


**Ойбуви Очилова**

**СИНОАТМИСАН, ДУНЁ**

**(ҳикоя, бадиий публицистика, суҳбатлар)**

**Абдулла Қодирий номидаги  
халқ мероси нашриёти  
Тошкент - 2002 йил**



84(5y)6-44 бадиий 2д2бчс

Ойбувининг шеърятдаги ўзига хос самимият, ҳаётийлик, дилга яқин оҳанг, руҳ насрий асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Унинг ҳикояларидаги фожиа, дард, кўнгиллардаги кемтиклик Инсонни не куйларга солажагини ўқиганингиз сари ҳис қилаверасиз. Бу ҳис Сизни ўйлашга, ҳаёт ҳақида теранроқ мушоҳада юритишга ундайверади.

Бадиий публицистикаларидаги назмий насрнинг гўзал уйғунлиги Қалб торларингизни черта-черта дилингизга Илҳом, Шукуҳ, Ҳарорат улашади. Ойбуви суҳбат мақолаларида ҳам маҳорат билан ўз қаҳрамонлари дунёсига кириб бора оладики, Сиз у ким бўлмасин аввало шу юрт, шу жамият, шу замон фарзанди бўлмоғи шарт эканига имон келтирасиз.

Умид қиламизки, ушбу китоб орқали муаллиф Сиз нозиктаб китобхонларнинг кўнглингизга йўл топа олади.

10 31618  
29

4702620204 - 364

С—————гриф-2002

М 361(04) - 2002


0 - 95

№қ459-2002

Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонаси

ББК 84(5y)6

© Ойбуви Очилова, 2002 йил



## АЁЛ ҚАЛБИНИ ТАДҚИҚ ЭТИБ...

Оиласидаги - хонадонидagi юмушу ташвишлари ошиб-тошиб ётувчи Аёлнинг адабиётдаги - матбуотдаги ўрни қандай? Дунёқарашини, ҳаётининг принциплари, яшаш даражасини, ёши турли-турли бўлган минглаб-миллионлаб одамларга сўз айтиши, сўзини маъқуллаши, сўзи билан кўнгиллар тахтидан жой олиши жисми жонини нозиккина Аёл қўлидан келармикан? Умуман матбуот ва адабиёт Аёл сўзига шунчалар муҳтожми? Ҳа, бундоқ ўйлаб қарасак, аёл муаллифларсиз, худдики шу ҳаётнинг ўзи аёлларсиз мазмун-моҳиятини йўқотган каби матбуотимиз-адабиётимиз ҳам нақадар ғариблашиб қоларди. Бой тарихимиз қаъридаги шоирларимиз ижоди дейсизми, замондош қаламкаш аёлларимизнинг насру назмдаги, матбуотдаги изланишлари дейсизми - бари-бариси таърифу таҳсинларга сазовор. Биз аёл ижодкорларимиз кўплиги ва хўплиги билан ўринли равишда фахрланамиз ҳам. Ахир бир жонини ҳаётнинг минг бир ташвишлари, машаққатларини енгиб яшашга маҳкум этиб яратилган Аёлни аёл сифатида тушуниши, унинг бу мураккаб дунёдаги азобу роҳатларини, савобу гуноҳларини, бахту бахтсизликларини ҳис этиши, фақат ва фақат аёл муаллифлар қўлидан келади. Шу сабаб, ижодкор аёллар сўзини нозиктаъб ҳаққимиз ғоятда қадрлайди, номини ҳурмату эъзоз билан тилга олади.

Мазкур тўғлам муаллифи - Аёл, Она, Қаламкаш Ойбуви Очиловага ҳам юқорида ижодкор аёллар шаънига айтилган фикрлар тўла мос келади. Ойбуви ҳикоялари, мақолалари бош қаҳрамонлари ҳам аёллар. Қишлоқ аёллари... Вилоят газетасининг заҳматкаш муҳбири сифа-

тида Ойбуви ўз қаҳрамонларини қўл қовуштириб ўтириб, ҳаёлот дунёсидан эмас, қайнаётган ҳаёт қозонидан топган. Ойбуви ўз қаҳрамонларини аввало ижодкорона назар билан обдон ўрганади, кўнгил призмасидан ўтказади, шундан сўнггина тасаввурида қад ростлаган воқеа-ҳодисаларни оппоқ қоғозда акс эттиради. Ойбуви қаҳрамонлари билан бирга гўёки яшайди - нафас олади. Шу сабаб, унинг ёзмишларини ўқиркансиз, ёзувчи сўзига ишонасиз, қаҳрамонлари билан бирга қадрлашасиз, кези келганда қувонасиз, кези келганда ачинасиз, қийналасиз, муаллифнинг “Оқ рўмолча”, “Ёдгорбек” ҳикоялари ўқувчида ана шундай таассурот уйғотади. “Ўғирланган болалик” сарлавҳаси остида жамланган жажжжи ҳикоялар - ҳаётда, ўзини энди ғоятда доно билгувчи ва сановчи биз - катталарни давомчиларимиз бўлмиш - фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмасликка ундайди.

Ойбуви Очилова бадий асарларидаги бўлсин ва ё мақолаларидаги бўлсин ўз қаҳрамонларига ҳайрат кўзини тикиб, севиб ижод қилади. Унинг мақолалари қаҳрамонлари ҳаёт ва замон билан бирга қадам ташловчи меҳнати, ижоди, кашфиётлари билан эл-юрт хурматини қозонаётган юртдошларимиздир.

Ойбуви ўзи яшаб ижод этаётган Навоий шаҳрини севади, жаннатмакон Ватанимизнинг чинакам шайдоси у... Ойбувининг она-юрт эъозланган мақолаларини ўқиркан, муаллифнинг фарзандлик меҳру муҳаббати ўқувчи қалбида ҳам акс-садо беради, эстетик завқ-шавқни оширади.

Мен шу ўринда Ойбувининг ижодига баланд парвоз тиларканман, ўзбек тили бой ва ранг-баранглигини, ижодкор қўлга қалам олиб ёза бошладими, муқаддас сўз хазинасидан дуру гавҳарларни териб олиш учун тинимсиз ишлаш, изланиш лозимлигини эслатишни жоиз деб билдим.

**Дилбар САИДОВА, ёзувчи,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

*Бунча чигал калаванинг учлари,  
Илтифотми, Синоатмисан, дунё!*

## Ҳикоялар



## БИЛЛУР ҚАНДИЛ

...Ўгли борнинг ўрни бор... Сен бир куни куёвларингга муте бўлиб қоласан. Умр бўйи йиғиб-йиғиштирганингга бировлар келиб хўжайинлик қилади...

...Ҳаловат ҳар лаҳзада беҳузур бўлиб, безовталанаётган дилбандини овутмоққа тутинар экан, яна қайнонасининг юрагини минг бора тилка-пора қилган гапларини эслади. Эслади-ю озғингина, дунёга келибон муштдеккина жони дарддан зирқираётган ўғилчасига қараб борлиғи тўкилиб кетди. Гўдаги туғилгандан буён у ҳамма айбни ўзидан изласа, бугун қайнонасининг пичингларию, эрининг зардали қарашлари қаршисида ожизлигидан ўксиниб хўнграб юборди... Шу кўйи гўдагини қучиб эзилиб-эзилиб, аламларини кўз ёшларига тўкди... Чақалоқ лабларига тушган шўр таъмдан бир-икки тамшандида ҳолсизгина кўзларини юмди...

\* \* \*

...Ҳаловат ой деса ойдай келин бўлди. Уни кўриб, хизматларидан кўнгли тўлган Ҳамида буви дастлаб келинига унча рўйхушлик бермаган бўлса, ҳам чеҳраси ёришди. Ёлғиз ўглини оғайниларининг кўмаги билан уйлантирган қайнона келиннинг қут-баракали келганидан мамнун эди. Ҳаловат ўқитувчи эмасми, раҳбарлари билан келишиб дарс соатларини кўпайтириб олди. Ҳунарларини ишга солиб, тунлари маҳалла қиз-жувонларига бир-биридан хушбичим кийимлар тикиб берди. Азонлаб туриб уй юмушларини ҳам ўринлатиб кўпчиликнинг тилига тушди. Ҳат-

то Ҳамида бувининг ўзи ҳам кўпинча келинининг қачон ётиб, қачон турганини билмай қоларди...

Шу тариқа орадан йиллар ўтди. Бирин-кетин бири-биридан ширин қизалоқлар дунёга келди. Қизлари истиқболига югуриб чиқишганда отанинг ҳам кўнгли тоғдек кўтарилиб, дунёнинг бор ташвишларини унутарди. Ўтган йиллар Ҳамида бувининг ҳам анчагина орзу-ҳавасларини ушалтирди. "...Умрим-ку шу кулбада ўтди, ўлигим ҳам шу ердан чиқадими..." деявериб қасрдек ғиштин уй солдирди. Эҳ-ҳе, бу армонлар ушалиши учун Ҳаловат қанча тунларни бедор ўтказмади. Ҳамида буви бир одатни маҳкам ушлаб олди, ҳар гал келини ҳомиладорлик ва туғиш варақаси учун мўмайгина пул олганда уйга "қўлга илингулик" бир нарса "ушлаб" келарди... Ёшлик ғайрати бор эканми, Ҳаловат бирор марта "Мен янги туққанман..." деб ўтирмади. Бекаликнинг кўз илғамас югур-югурларидан ортиб таътили тугагунча мол боқди, бичиш-тиқиш килди, кейинчалик тўй-ҳашамларга турли пишириқлар тайёрлашни ҳам ўрганиб олди. Ҳовли-жойнинг қамлари битди-ю, қайнонанинг ҳаваслари тугамади сира. Бу орада Обиджоннинг ишлари юришмай, рўзғор фақат Ҳаловатнинг топганига қараб қолди. Аёл минг қилмасин барибир жисму жон ҳам толиқар экан. Ҳаловат кейинги пайтларда тез-тез ётиб қолар, оёқлари зирқираб, юраги тез урадиган бўлиб қолганди. Қайнона эса шаштидан ҳеч қайтмади.

- Ёлғиз ўғлим, ўғилга зор ўтяпти. Чиқмаган жондан умид келин, ҳали ёшсиз-ку. Ҳадемай кўзим юмулса... Давралардан ўзимни олиб қочадиган бўлиб қолганман...

...Ҳаловат бу гал қатъий қарор қилишга мажбур бўлди. Шифокорлар ҳарчанд "Сизга туғиш мумкин эмас..." демасинлар у фикридан қайтмади. Ҳомиласи беш-олти ойлик бўлгунча шифохонага йўламади. Энг

охирги бардошларини йиғиб ўқув йилини тугатди. Келинининг ой-куни яқинлашганидан ўзини кўярга жой топа олмай юрган Ҳамида буви яна янги гап топиб келди...

- Келин, кўшнилари айтишяпти, бу гал албатта ўғил туғасиз. Набирагинамни олиб келгунингизча Салим магазинчиникидай меҳмонхонага ганжкорларни соламиз. Биллур қандил осибди қурмагур бир кўрсангиз борми? Биз ҳам осамиз болам...

Ҳаловат ҳар галгидай бир сўз демай куни кеча олиб келган таътил пулини қайнонасига узатди. Бир хаёл “Бирор ўн минг қолдирсак чақалоқ туғилгач керак бўлиб қолар...” демоқчи бўлди-ю, бувининг юзини босолмади. Лекин юраги гаш унинг кўнглига бу ҳашамлар сиққудек эмас эди...

\* \* \*

...Гўдак яна нотинч бўла бошлади. Ҳаловат дилбандининг бирор марта тиниқиб ором олганини кўргани йўқ... Тун бўйи гоҳ бешикка солади, гоҳ олади... Кеча врачни бошлаб келган ҳамшира бугун эрталаб “Касалхонага ётқизайлик” деб йўлланма ташлаб кетди. Чилласини касалхонама-касалхона юриб ўтказган Ҳаловатнинг эса бундан юраги безиллайди. Дилбандига ҳар игна суққанларида минг ўлиб тирилади.

“Керакли дорилар ёзилган қоғозни бугун ҳам олиб кетмабдилар, - шивирлади Ҳаловат ўзига ўзи. У киши ҳам нима қилсин, кечаги кунни тушликсиз ўтказибдилар. Ҳаво ҳам совияпти, қизларнинг оёғига бир нарса олиш керак. Ҳамма нарсанинг боши пулда... Ҳаловат шуларни ҳаёлидан ўтказар экан ичкари уйда осилиб турган биллур қандил кўзига балодай кўриниб кетди-ю беихтиёр бутун вужуди яна аламдан қақшаб кетди. Сутсиз кўкраклар титраб кетгандай бўлди...



- Сигир ҳам сут бермай қўйди... Кўшнидан бир коса сут олиб ярим сув қилиб ширчой пиширдим. Қудағай гўшт олиб келаман деяётгандай бўлувдим...

...Ҳаловат қайнонасининг товушидан ўзига келди. Нигоҳлари эса ҳамон ичкари уйда чиройли шакл берилган муз бўлақларидай осилиб турган биллур қандилда эди.

## ОҚ РЎМОЛЧА

Бу тун ҳам Лобар тун бўйи тўлғониб чиқди. Уйқудан умидвор кўзларини юмган маҳали яна ҳаёл руҳига осойиш бермас, ҳориган жисмини зўрға у ёнидан бу ёнга оларди гўё... Пешонамга яна не кунлар ёзилган экан ўзича пичирлади у ёнида беўхшов хуррак отганча донг қотиб ётган эрига қараб, бу одам ҳам дунёда армон нима эканини билармикан... Дераза ойнасига питир-питир чирмашаётган мусичанинг тиқир-тиқиридан у ҳаёлларини йиғиб олгандай бўлдию, оҳиста бориб фортчкани очаркан, ёқимли хушқаво димоғига урилди. Шундагина у хонани ёқимсиз ароқ ҳиди тутиб кетганини сезгандай бўлди-да, деворга суянганча туриб қолди... Майсаларнинг юзини силаб, япроқларни эркалабгина ёмғир шиваларди... Толиқиб кетган қовоқлари киприкларини жуфтлаштирар, ҳаёл эса яна уни ортидан эргаштираверарди...

...Эссизгина болалиги... Лобар кўкламни айниқса баҳорнинг сўнгги кунлари бошланадиган тут пишигини орзиқиб кутарди. Боғлари этагидаги шохлари тарвақайлаб кетган дарахт оппоқ бўлиб лаззатга тўлиши билан акалари чодир тутиб унга лаган-лаган териб беришарди. Лобар бир зумда дугоналарини йиғиб келарди, қизлар сўрида маза қилиб тутхўрлик қилишарди. Бир лаҳза бўш ўтирмайдиган онажониси шин-

ни тайёрлашга киришар, қишда ҳам дастурхонларидан бу неъмат аримасди... Қизиқ бу йилги тут пишиғи яқинлашганини Лобар сезмай ҳам қолибди... Оқ онаизори... Шу пайт кўз ўнгида чодирдан тутларни пуф-пуфлаб олиб қизига узатаётган онасининг сиймоси гавдаланди-ю, Лобарнинг бутун вужуди қақшаб ҳаво етмаётгандек кўйлагининг ёқасига ёпишди... Онагинасининг жилмайиб опасига шивирлагани худди қулоғининг остида жаранглагандай бўлди-ю, қандайдир аламли оқ бўғзига тиқилди...

- Гавҳархон, сенинг таъбинг нозик, ёшсанда, - деганди ўшанда онагинаси Лобарнинг бўйи-бастига зимдан меҳр билан термулиб - мато келтириб берсанг бозордан оппоқ. Лобаргинамга ҳам кўзим борида ўз қўлим билан рўмолча тикиб қўйсам...

- Бизни рўмолчаларимиз четини хилма-хил рангли гуллар билан безагансиз, бу тутхўрингизнинг рўмолчасига оппоқ тутнинг расмини чизиш керак-да, кулганди опаси ҳам завқланиб Лобарга кўзини бир қисиб қўяркан. Оқ матога оқ ип билан тикиб бўлмаса....

Кўрасанда деганди онагинаси... Чиндан ҳам онаси оппоқ нафис матодан рўмолча тикиб бир четига фарқ пишиб турган тут дарахти аксини шундай маҳорат билан кўчирган эдики, рости кўриб Лобарнинг кўзлари ҳайратдан чақнаб кетганди... Қизининг рўмолчасини куёвга узатолмайлар қўйган онам... Лобар ўй-хаёллари билан қоришиб қанча туриб қолганини билмас, юзига урилаётган салқин ҳаводан эти жунжикиб ўзига келди-ю, эртанги қалашиб ётган юмушлари ёдига тушиб ўрнига чўзилди...

...Қанча ётди билмайди. Тушидами, ўнгидами супада кимдир тинимсиз жаврар, тонгга яқин элитган уйқудан карахт Лобар дераза пардаларини сураркан қақайганча ишшайиб турган қайнонасини кўриб бир сесканиб тушди... Тили калимага келмасданоқ яна ўша

овоз “...Онанг ўлса ҳам ҳаром уйқудан кечма... Ўзи келар, ёр-ёр...” дея хириллар. у ёқдан бу ёққа ҳеч недан ҳеч не ивирсиётган кампир гўё совуқ хабарга суюнчи тилаётгандек ҳар доимги “ашула”сини айтиб жағи тинмасди. Унинг гапларини эшитиб эшитмаётган Лобарни эса “онанг” дегани эсанкиратиб қўйганди. У ҳовлиқиб ҳовлига чиққанда жон-жигарларининг фарёди қишлоқни тутган, шабадада майин чапак чалаётган терак япроқлари ҳам дилларни ўртовчи хабар йўллаётгандек эди... “...Вой онама... дардлардан адо бўлган онама...” Бу сас Лобарнинг қулоғига “...Қизининг доғларида кетган онама...” деган армонли додни ҳам қўшиб етказётгандек жону жаҳонини тилимлаб ўтарди. Ой куни бир тутам бўлган қиз эгнига тандир бўйидаги михга осилган юпунгина халатни илиб кўчага отиларкан, ортидан ҳовлига сурпури ураётган қайнонасига кўзи тушди-ю, аламидан тирноқларигача армоннинг захри югургилагандай титраб кетди. У хира-шира тонг ёруғида кўзларидан шашқатор бўлиб оқаётган аччиқ ёшларга қўшилиб юз-кўзларини ялаб ўтаётган ёмғир томчилари билан сўзлашаётгандек юрак-юрагидан бўзлаб борар, айрилиқнинг азоблари бир ёну, ота уйидан юзи қоралиги бир ён эди шу лаҳзаларда...

\* \* \*

...Лобар баобру хонадонда улғайди. Маҳалла кўй отасининг маслаҳати, онасининг иштирокисиз бир ишга қўл урмас, акаларининг ҳам иззати ўзига яраша, опаларининг ортидан ҳам фақат яхши гап келарди. Лобарга ҳам суқланиб боқадиганлар кўп. Ҳусни латофатига-ку аввал атрофдагилар ҳавасланиб қарашларини сезиб хижолат бўлса, кейин-кейин ўзи ҳам кўзгуга термулиб тўймайдигандек эди...

- Бу қизингиз бошқача, раҳматлик онангизга кет-

диёв. У кишини кўрганларнинг ақли шошарди..., - дерди опасининг қайнонаси ҳар келганда гапни узоқдан бошлаб. Бегона қилмайсиз-да. Ҳамзамон Адҳамжон ҳам дўхтирликни битириб келиб қолади. Ўғлим Лобархон ўқийман деб шаҳарга борганда кўрган. Омади чопиб устидент бўлганда-ку унга ўзи кўз-қулоқ бўларди болагинам. Ҳай майли қиз болани бахти ўзидан тингани. Фаришталар омин деб янаям яқинроқ бўлиб кетсак қудағайжон... Бу ҳангомаларни Лобар ҳам бир икки марта узук-юлуқ эшитиб қолган. Поччасининг ўша дилкашгина укасига нисбатан кўнглида алланечук илғаб бўлмас илиқлик уйғонганди... Лекин кейинги пайтларда у негадир фаромуш бўлиб қолганди. Кўнглига, ақлига бўйсунмаётган қандайдир ҳиссиётлар изнсиз уя қураётганини ўзи ҳам сезмасди. Армияни тугатиб келиб ҳам бирор жойда қўним топиб ишлайолмаганидан кун бўйи кўчадан бери келмайдиган Аббоснинг Лобарнинг орқасидан соядек эргашганлари, ҳали уни ҳали буни баҳона қилиб гапга тутишлари ҳаёлларини ўғирлар, қизиқ негадир йигитнинг бу қилиқлари Лобарга ҳам хуш ёқаётгандек дили яйраб кетарди. Аста-секин улар хилватларда учрашадиган, Аббоснинг хушомадларини Лобар қўмсайдиган бўлиб қолди... Қишлоқчилик эмасми кўп ўтмай миш-мишларнинг учи Лобарнинг катта акаси қулогига ҳам етиб борди. Аббоснинг туриш-турмушидан нафратланадиган ака шу куни ишдан тажанг ҳолатда қайтиб жаҳл билан тўғри Лобарнинг хонаси эшигини очди.

- Мен ҳаммасини эшитдим, ўзингни йиғиб ол, - гап бошлади у одатдагидек югуриб келиб кўксига бошини қўйган маъсумгина синглисининг сочларини силаган кўйи шаштидан тушиб. Улар бизнинг тенгимиз эмас, яъни яхши одамлар эмас демоқчиман. Ҳали сени ўқитиш ниятимиз бор... Лобарнинг меҳри ийиб

кўзлари ёшланди. Акажонининг яқин дардкашидек уни қучиб сирлашаётганидан кўнгли тотли сурурга тўлди...

- Жон синглим, сен билмайсан. Унинг онаси ҳам нияти қора аёл. Бир пайтлар отамиз минг машаққат билан барпо этган мана шу хўжаликнинг боғига эгалик қилиш учун дадамни қаматишгача борган. Ҳалиям яхши одамлар бор экан, ҳақиқат жойини топди. Онам ҳам ўша кунлардан юрак оғригини орттирдилар-да. Унда жуда ёш эдинг... У хотин адоватни унутадиганлардан эмас. Янганга уйланаётганимда ҳам орамизга қанча совуқчиликлар солганди... Кошки ўғли дуруст бўлса... Сен жуда соддасан... Акасининг мудҳиш бир фожиани сезаётгандек эзилиб, юрагида борини тўкиб солганидан Лобар ўзини ўнглаб олгандек бўлди. У туйғуларини жиловлашга қатъий аҳд қилган, китобидан бошини кўтармас, муаллимни-кига ҳам дугоналари билан бирровга бориб келарди... Шунинг билан Аббоснинг ҳам маҳалладан қадами узоқлашгандай бўлди. Аммо бир куни ширакайф дўстлари даврасида айтилган гап Аббоснинг ғурурини топтаб ўтдию Лобардан кечиш йигитлик шаънини ҳам оёқ ости қилиш билан баробарлигини уқтирди гўё... “У қиз сенга бармоғини ҳам ушлатмайди...” хиринглади кўзлари сузилиб қолган Наим. “Югурганники эмас буюрганники, қўй қаддингни кўтар Аббос...” мазах қилгандай ёнига имлади Тоҳир гапга аралашиб. Бу гапларни ҳазм қилолмайдиган чалани Аббос шашт билан ўрнидан кўзгаларкан, “Менга буюради...” деди қатъий оҳангда ва қўлидаги пиёланни бир хўплашда шимириб дастурхон четига тўнташиб қўйди. Кунлар кетидан кунлар шошиб-шошилиб ўтаверар, бу хиралик шунчаки бир гапдек йигитларнинг хаёлидан ҳам кўтарилиб кетди... Лекин...

...Лобарнинг ангинаси яна кўзиб касалхонага тушиб қолгани “хушхабар”ини синглисидан эшитган Аббоснинг кўнгли ёришди. У қош қорайиши билан касалхона деворидан ошиб тушиб Лобар ётган палата деразасини чертар, ҳамхоналаридан ийманган қиз унинг ёнига чиқишдан ўзга чора тополмасди. Аввалига Лобар Аббоснинг бу ҳаракатларини акаларига айтсаммикан деган хаёлга борарди-ю жанжал чиқиб шарманда бўлишидан чўчирди. Кейинчалик эса ҳар гал “Бошқа келманг, илтимос...” дея такрорласада, ўзи ҳам унинг йўлига кўз тикадиган бўлиб қолганди. Аббос Лобар ҳақида бир-икки марта сўз очган, лекин онаси бир томондан у хонадон билан қариндош бўлишни истамаса, иккинчидан истаса ҳам қиз сўраб боришни ҳаёлига ҳам келтира олмасди. Лекин қизидан Лобарнинг хушсуратию дилбарлигини эшитиб ўғлининг қалби вайрон бўлиб доғда қолишидан ҳам кўрқарди. У шуларни ўйлаб бир куни дастурхон бошида секин ўғлининг кўнглига қўл солди:

- Эрта-индин у қиз балницадан чиқиб қолар, - дейман. - деди у кўлидаги чойини қайта-қайта хўпларкан.

Аббос ярқ этиб онасига қаради. Ўғлининг бу боқишидаги хавотиру ҳадикни сезган аёл, ўрnidан кўзғалиб шкаф устидаги чойнак ичида турган калитни пайпаслаб топди-да, секин ўғлига узатди. Бу опангнинг шаҳардаги уйини калити. Ҳозир поччанг таътилга чиқиб қишлоқда экин-текин қилишаяпти. Агар қиздан кечолмасанг, уйига кетгач фурсатни тополмассан. Ҳозир имконинг борида уни опангникига олиб бориб “бафуржа” гаплаш... Аббос Лобарнинг бу гапга унаши қийинлигини билсада, онасининг сўнгги йўлни кўрсатаётганига аллақачон фаҳми етганди...

\* \* \*

“...Шаҳарга яхши кино келибди. Укол вақтингизгача қайтиб келамиз. Чиқмасангиз касалхонадан кетмайман...” Лобар бу хатни эрталаб олганди. Аббос айтганини қилиб шу атрофда айланиб юрибди. Уйидагилар ҳам келиб кетишди. “...Эртага акангиз келиб олиб кетадилар. Шу кунларда бирам ишлари кўпайганки, ҳозирланиб шашт бўлиб тураркансиз...” дея янгаси кийимларини ҳам олиб келибди... Лобар деразадан ташқарига мўралагани сари эгнидаги оппоқ кўйлак, қоп-қора шимда қандайдир салобатли кўринаётган Аббосга нигоҳи тушиб юраги гупиллаб урар, яна акасининг гапларини эслаб кўнгли хуфтон бўларди. Икки соатгина бориб келсам нима бўлибди. - дерди у ўзига ўзихаёлан. Шаҳар йигирма дақиқалик йўл... Балки ҳеч қачон бирга бўлолмаслигимизни тушунтириб орани очиб ҳам келарман... Балки у билан бир умрлик дўст бўлиб қолармиз... Лобар шу ўйлар гирдобида кийимларини алмаштириб, сочларини тўғрилаган бўлди-ю, ҳамширанинг эшикдан узоқлашишини пойлаб секингина кўчага чиқиб кетди...

\* \* \*

Ҳақиқатдан ҳам кино кўрса арзигулик экан. Лобар кинотеатрдан чиқишаркан ўзини ўзга бир оламга бориб қолгандек ҳис қилар, паймол бўлган севги изтироблари қаҳрамонлар қалбидан унинг хаёлларига кўчиб ўтгандек эди...

- Қорнингиз ҳам очиб кетгандир. - деди Аббос Лобарнинг бармоқларини кафтлари орасига олиб эркалаганча. Кун ҳам исигандан исиди. Бу шаҳарда бемалол ўтириб чой ичадиган бирорта ошхонани билмайман. Ёки сизнинг йўлингиз тушгани борми ҳеч... Лобар йўқ ишорасини қилди.

- Майли десангиз шу яқинда опамнинг уйи бор, -

дея гапида давом этди Аббос дадилланиб. Кириб тамадди қилиб чиқардик. Опамлар ҳозир қишлоқда, шаҳарга ўтганингда бирров кириб хабар олиб чиқсанг яхши бўларди дейишиб калитларини ҳам бериб қўйишганди.

- Йўғ-е, - деди Лобар чўчиб кетганини яширолмай. Бегона жой бўлса... - Кўчада ҳамманинг кўзида бўлганимизча, ўтириб суҳбатлашиб ҳам олардик, - деди яна Аббос Лобарнинг қўлларини ушлаб, Лобар беихтиёр елка қисганини ўзи ҳам билмай қолди. Буни ризоликка йўйган Аббос югуриб муюлишдаги дўконга кириб кетди-да зум ўтмай бир тўрхалта бозорлик қилиб чиқди. Лобарнинг кўнгли ғаш, қандайдир бўйин эгмас хоҳиш уни Аббоснинг ортидан эргаштирди. Опасининг уйи шинамгина экан. Иккаласи тушлик ҳозир бўлганини сезмай ҳам қолишди. Аббос қозонга ўрнаётган Лобарнинг атрофида гир-гир айланар, бу илтифотлардан Лобарнинг дилидаги хижилликдан асар ҳам қолмаганди. Чиройли дастурхон безатилиб овқатнинг хуш бўйи димоқларни қитиқлаётган маҳал Аббос тўрхалтада яшириниб турган шишани стол четига қўйди. Бирдан Лобарнинг эти жунжикиб кетди... Қўйинг бу нима... Мен, мен ичмайман... деди қўллари қалтираётганини бекитганча юзлари қизариб...

Сиз учун мен ичаман. - деди Аббос секин Лобарни бағрига тортганча, сиз лабингизга текизиб ширин қилиб берсангиз бас...

\* \* \*


Лобар қолганини эслай олмайди, эслашни истамайди ҳам. Фақат Аббоснинг "...Энди нима қиласиз. Шом ҳам кириб қолди. Аллақачон ота-онангиз сизни қидириб юришгандир..." деган гапларини юм-юм йиғлаб эшитди-ю, бошларини ёстиққа ўраб хўнграб юборди. Ҳуш беҳуш қанча ётди билмайди.



- Мен кетаяпман. - дея Аббоснинг турткилашидан ўзини йиғиб, тўзғиб кетган сочларини рўмолининг ичига яширди...

\* \* \*

... Шаҳло кўзларига пушаймоннинг аламли чизгилари муҳрланиб қолган қиз шу кўйи Аббоснинг ортидан эргашиб, кеч кириб кўчаларда одамлар сийраклашган чоғи уларнинг уйига кириб борди. Эртаси куни "...қош кўзини сузиб ўғлини бошини айлантирган келин"ига янаям "илтифот" кўрсатган қайнона бўлмиш муллони айттириб никоҳ ўқиттириб қўйди... Яна миш-мишларнинг кети чувалагандан чувалашди. Бу кўргуликларга чидай олмай Лобарнинг онаси тўшакка миҳланиб қолди. Ор-номус қаддиларини букса ҳам Лобарникилар яхши ният билан Аббосларнинг дарвозасини қоқишди.. "Уч-тўрттани айтиб элнинг олдидан ўтиб белги қилиб қўяйлик" деган отасининг илтижосини қайнона ўша бағритошлиги билан қарши олди. "...Ўзи келди ёр-ёр. Ҳалиям киритганимга шукр қилсин... Минг қилсаям йигит-йигитда..." Сўри четига илашибгина ўтирган қизининг ранг-рўйига қараб отасининг юраги қон бўлсада бирор сўз демай чиқиб кетди... Лобар қанча елиб-югуриб хизматларини қилмасин бу уйдагилардан бир оғиз ширин сўз эшитмади. Айниқса, яхши кунлардан умидвор этгувчи эрининг ҳам феъли айнигандан айниб, ширакайф кириб келишлари бор эзгу умидларини ер парчин қилар, лекин ноилож кўнар, ўзини кўниктирарди... Бу ҳам етмаганидек кейинги пайтда Аббос ҳе йўқ, бе йўқ хотинини дўппослайдиган одат чиқарди. Қайнонаасидан нажот топмаган Лобар шундай пайтларда кўни-кўшниникидан паноҳ топар, кун ора оёқда туролмай келадиган эри эса қишлоқни бошига кўтариб жанжал қидирарди. Бу



машмашалар Лобарникиларга ҳам аллақачон етиб келган, сабрнинг косаси ҳам тўлгандан тўлиб тўкилган эди... Тунов куни Лобарнинг отаси билан катта акаси яна келишди. Мастлигидан оғзидан нима кириб нима чиқаётганини билмаётган Аббоснинг қўлини бигиз қилиб Лобарни турткилаганча дарвозани кўрсатишларию, қудағайининг қизини ерга уриб, бошидан мағзава ағдаришларига чидай олмаган отаси қизини олиб кетишга чоғланди... Лекин ҳомиласи анчагина билиниб қолган Лобарнинг кўкариб кетган қовоқларини рўмоли билан беркитиб зор-зор йиғлаганча "...уйимни бузманглар..." қабилида гап қилишидан отаси қаттиқ ранжиди-ю, қизига зардали бир қараш қилиб шаҳд билан дарвозани бир тепганча чиқиб кетди... Қудасининг бу қилгани бир баҳона бўлди. Энди қайнонаси ўғлига ҳам кун бермас, хотинингни отаси ундай қилди, бундай қилди. Фалончига ундай дебмиш, бундай дебмиш дея ҳар куни бир гафто топарди. Охири Лобардан "отасиникига қадам босмасликка" сўз олди-ю, кўнгли жойига тушгандай бўлди. Лобарнинг онасининг аҳволи эса кункундан оғирлашар, унинг ҳолини кўни-қўшнилардан эшитган Лобар тишини-тишига қўйишдан бошқа иложи йўқ эди... Меҳрнинг йўлини ҳеч бир девор тўсиб туролмас экан. Лекин у куни эри билан қайнонасининг уйда йўқлигидан фойдаланиб онасини бирров кўриб келишга боргани ҳам Лобарга қимматга тушди. Бундан хабар топган Аббос ортидан бориб "сўзида турмаган" хотинин судраб, акалари билан муштлашиб келгани яна қишлоққа овоза бўлди...

\* \* \*

...Лобар шу кўйи ўзи билан ўзи олишиб бораркан, ўша таниш тут дарахти ёнига келганда кўрқувданми ҳаяжонданми бир лаҳза тўхтаб қолди...

- Қайси юзим билан бораман. - шивирларди у лобларари титраб... Онажоним менинг доғимда адо бўлмадиларми... Зор қақшаб бахтимни қизғонган акагинам мени қандай қарши олар экан... Отам-чи? Лобар бутун борлиғидан тирқираб чиқаётган кўз ёшларини алам билан халатининг этагига артганча суяниб бир зум кўзларини юмди... Онаси эмас холагинаси ўша кунда адабиёт сабоғини берган холасигина бир гал қизлар мажлиси ўтказиб, ўқувчиларга кўп насиҳатлар бергани ёдига тушгандай бўлди. "...Сўрамишлар, - деганди холаси қизларнинг нигоҳларига бир-бир меҳр билан термуларкан, дунёда ўлимдан ёмони нима. Жавоб бермишларки, қиз келтирган номус..." Лобарнинг бўғзидаги аччиқ фарёд шу ерга келганда отилиб чиқди-ю, уйи томон югурди... Онажоним, мени, бадбахт қизингизни кечиринг онажон...

\* \* \*

...Қон қақшаб эшикдан кириб келаётган Лобарни кўриб холаю опалари уввос солиб ўрниларидан туришди, уларнинг бағриларига бир-бир ўзини отиб бўзларкан Лобар меҳрга, туғишганларининг дийдорига қанчалар зориқиб кетганини юрак-юрагидан ҳис қилар, ҳис қилгани сари армоннинг аёвсиз тиглари бутун вужудини тилимлаб ўтарди...

...Армон адоғида дард эканини Лобар кейинроқ, онасининг маракалари ўтиб ҳоли қолганларида онасининг гамидан анчайин букчайиб қолган холасининг кўрпача орасидан ҳафсала билан ўраб қўйилган омонатни олиб қўлига тутқазганда алам-алам билан ҳис қилди. Бу ўша ОҚ РЎМОЛЧА эди

## ЁДГОРБЕК

ёки қайнота уйдан узатилган қиз

(Бўлган воқеа)

Қўшни қизнинг сув олиб кетиш баҳона кўнглини бўшатиш учун чиққандек Мунаввар аяга қўшилиб, Шерзоднинг суратига термулганча тўкилиб-тўкилиб йиғлашларини ғуссага қоришиб қолган хонадон аҳли аввали ҳамдарликка йўйишди... Синфдошлик меҳри шунча бўларми ёки болаликдан бирга ўсиб, бир-бирига ўрганиб қолишганмикан? Кейинчалик хаёлидан ўтказадиган бўлди Худойберди ака, кунда-кунора ҳовлисида унга дучлашганда. - Ажабо, сулувликда қишлоқ қизларини доғда қолдирадиган Ферузанинг чарос кўзларида армон бўзлайди, қадди ҳам алланечук букилиб қолгандек... Паришонхотир бўлиб қолган қизнинг дунёларга сиғмай кетганда имлаб тургувчи жон малҳами қўшниникидаги ҳовуз, дард-каши ҳар лаҳза дилбанди ғамини сипқориб яшаётган Мунаввар аянинг титроқ бағри...

\* \* \*

Ўша оқшом ўзини Шерзоддек йигит қароғида асраб яшаётганидан масрур қиз бокира туйғулари билан қўшиб борлиғини йигитга топшириб қўйганини сезмай ҳам қолди. Боғидаги шафтолининг шарбатга тўлиши билан суюклисига илинган Шерзод қалбидаги эҳтиросни жиловлай олмаганидан дили ғашланди, “Энди нима бўлади...” дея кўзлари жиққа ёш Ферузанинг ўкинишларига чидай олмай, “Тўй қиламиз тўй” деди дадил. Фақат сен сиқилма. Ҳар куни

мен ёнингдаман. Йигитнинг аҳди қатъийлигига ишонган Феруза изтиробли ўйларига чек қўйди. Узун кунлар ёзнинг сокин номларини соғиниб кутди... Шундай ширин учрашувларнинг бирида Ферузанинг ийманибгина "...бўйимда бўлиб қолганга ўхшайди..." дея шивирлаши Шерзоднинг тараддудларини тезлаштириб юборди. У поччалари билан сирлашган. Мавридини топиб улар орқали ота-онасига тушунтириш режасида эди. Аммо...

\* \* \*

Шум хабардан кун пешинга оққанда кўёшнинг нурли юзига парда тортилгандай бўлди. Кутилмаганда рўй берган автомобиль ҳалокатидан қонига қоришиб ётган Шерзодни кўрган қишлоқнинг кексаю ёши фарёдидан еру кўк ларзага келгандай бўлди. Жигарбандининг бошида етти соат жовдираб термулиб турган, жон керак бўлса қурбон бўлмоққа тайёр Худойберди аканинг фиғонидан ёзнинг ҳарорати-да совуқ томчиларга айланди шу лаҳзаларда гўё. Чироқчининг мевалари фарқ пишган боғлари эгилгандан эгилгандай бўлди. Бутун қишлоқ мотам тутди. Аламли хабардан карахт Феруза эса хаёлларини йиға олмас, эрта индин унинг ҳам ҳаёти хотима топаётгандек қалби бўм-бўш эди. Ҳасратларнинг заҳарли тиғи, оғриғи эса кунлар ўтиб юрагига санчила борди. Айниқса кўкраги остида яна бир вужуд типирчилаётганини ҳис этгани сари... Одамзот ҳамма нарсага кўникар экан. Фарзанднинг ғами ҳам қадрдондек бўлиб қолган Худойберди ака кузги юмушларга анча овунгандек бўлди. Дарду ҳасратгада шукрлик аёли ҳам тутдай тўзиб қолсада ўзини йиғиб олгандай. Аммо кўчадаги гап-сўзлар аллақачон иккаласининг ҳам қулогига етиб келган эди.

- Кеча Ферузанинг холаси келувди, қиз бечора

фақат йиғлармиш. стигининг тагидан Шерзод ик-каласи тушган сурат билан ўғлимнинг хатини топиб олишибди. Шунда ҳам ортиқча бир сўз дейишмайди-я юзимизни босиб... Хотинининг гапларидан сўнг Худойберди аканинг кўнглидаги ғуборлар тарқаб кетгандай бўлди.

- Бас, - деди у шашт билан ўрнидан кўзғаларкан. Йиғи-сиғи, ўй-алам билан бола хасталаниб туғилиши мумкин. Нима бўлганда ҳам у менинг наслим. Шерзодгинамнинг зурриёди. Гўдакнинг ҳам қизнинг ҳам номусини ҳимоя қилиш менинг оталик бурчим. Бу дунёдан жувормаг кетган ўғлим лоақал нариги дунёда тинч бўлсин! Тараддудингни кўр, Ферузани келин қилиб тушириб келамиз. Эрининг етти ўлчаб бир кесишини билган хотини ҳам, ҳар доим маслаҳатларига кулоқ тутгучи маҳалла-куйдагилар, қавму қариндошлар ҳам бу ҳаракатга хайрли иш дея бош қўшишди. Ҳовлига куёвсиз, чимилдиқсиз келин кириб келди. Худойберди ака уни қизларимнинг каттаси дея бағрига босди. Мунаввар ая меҳр билан чақалоққа атаб бешик тузади. Ферузани авайлаб туну кун ёнидан жилмай парвона бўлди.

\* \* \*

“Худога бир қилиғимиз ёққан экан, Шерзодимни ўн саккиз ёш яшартириб бағримга қайтарди, - деди кўзлари ёшланиб набирасини бағрига босганча Худойберди ака. Ферузани туғруқхонадан олиб қайтишаркан. Шерзодимдан Ёдгоримизни қолдирдинг бизга, умрбод хизматингда бўлайлик қизим. Катта дош қозонда ош дамлаб қишлоққа дастурхон ёзган Худойберди ака набирасининг пойқадами билан қайта қаддини кўтаргандек бўлди. Авваллари толиқгудек бўлса, ўғлининг суратини бағрига босиб ўртанса, энди набирасини эркалаб, дарду аламни унутишга одат-

ланди. Ҳаёт ўз измида давом этаётгандек, фақат хонадоннинг эрка қизига айланиб қолган, ҳали йигирмага ҳам тўлмаган, ой деса ой дегулик Ферузанинг тақдиригина Худойберди акани ташвишга солар, у бу ҳақда ўйлагани сари дили гашланиб юраги ачишарди. Яна ўз қизларини унинг ўрнига қўйиб кўрар ва шу нигоҳ билан Ферузанинг келажагини тасаввур этарди. Мунаввар ая бир лаҳза ёнидан жилдирмай ўстираётган Ёдгорбек оёқ чиқариб Худойберди аканинг ортидан эргашадиган, оқшомлар уни қучиб сўнг уйқуга кетишга ўрганди. Бобою буви билан хурсанд бўлишсада Ферузанинг ёлғизланиб қолишидан кўнгиллари оғрирди.

- Жон қизим, - дея ҳар доимгидек босиқлик билан гап бошлади Худойберди ака хотини билан обдон маслаҳатлашиб олгач, Ферузани ёнига ўтқизиб. Шерзод менинг юрагимни тилка-пора қилиб кетди. Ёдгорбек эса умид чироқларимизни қайта ёққанини яхши биласан. Мана шу уй-жой, илло нуридийдамга буюрсин. Сен ҳам менинг азиз фарзандимдай бўлиб қолганинг учун ҳам келажагинг ҳақида қайғуришга бурчлиман. Ҳали ёшсан қизим, ўз оиланг, бош эганг бўлганига нима етсин. Мени отангдай кўриб сен ҳақингда оғиз солганлар бор. Хўп десанг, кўриб билиб кенгашиб тенгимизга узатамиз сени. Балки кўнглимиз таскин топармиди?! Қайнотасининг гапларини зор-зор йиғлаб тинглаган Феруза ўз туғишганлари ҳам бу фикрни қувватлагач, юрак бағри қон бўлсада, уни учрашувга ундаётган қайнисинглисига эргашди. Сукутни ризоликка йўйган Мунаввар ая тўй ташвишига тушиб қолди. Янги кўрпа-тўшаклар қавилди. сарполар тикилди. Куёвга атаб тўн олинди. Тўй бошида турган Худойберди ака оёғига бош урган Ферузанинг пешонасидан ўйиб, унга бахт тилади. Мунаввар ая эртаси тонг саломга келган куёв йигит-

ни бағрига босиб, иззат икром билан кутиб олди. Ҳамоно Феруза учун бу хонадон азиз. Уни биринчи йўқловчилари, яхши-ёмон кунларида топингувчилари ҳам шу уйдагилар...

\* \* \*

...Яратганнинг каромати биланми Шерзоднинг худди болалигидаги қиёфасини эслатувчи Ёдгорбекнинг чиқараётган янги-янги қилиқлари ҳам отасининг гўдаклигидаги ҳаракатларини эслатади. Кимки уни қўлига олса, “Шерзоднинг худди ўзи бўлибди-я” дея эркалаб суяди.

- Эй дунё, бу сенинг синоатингми, жазоинг, илтифотингми? Ўзи билан ўзи сўзлашади баъзан Худойберди ака. Бошингга не келса шукр қил, сабр айла. Бир-бирларингизга авайлаб, яхшиликлар қилинг. Бир куни мукофотини олгайсиз деганингми, бу эй кўҳна Дунё?!

## АРМОН

...Пешинга томон турган ёқимсиз шамол анчагина таъм кириб қолган довуччаларни “дув-дув” қоқиб ташлади. Аввалига шивалай бошлаган ёмғир эса тун ярмидан оғиб қолди ҳамки ҳеч тинаман демайди.

- Тавба, вақт бунча имиллаб ўтмаса, ўзи билан ўзи хаёлан сўзлашади Ражабгул опа. Ҳар доим юмушларимнинг адоғи кўринмай ўзимни чор тарафга урардим. Бошим ёстиққа тегар-тегмай пинакка кетишимни болалар кулгу қилишарди. Бугуни бўйи ивирсигани эрмак топа олмаётган одамдай гарангсиб қолдим. Уйку ўлгурданку дарак йўқ. Ражабгул опа яна беихтиёр деразадан дарвозахона томонга мўралади-ю, чуқур уҳ



тортганча келиб жойига чўзиларкан набирасининг пешонасидан ўпиб кўрпасини тўғирлаб қўйган бўлди. Ўйлар эса чувалашгандан чувалашиб кўнглини титкилайверарди...

...Пўлатжоннинг кетма-кет фарзанд доғини кўриши Ражабгул опани адойи тамом қилди. У ҳар сафар Мақсуданинг бўйига бўлганини сезиши билан таррадудга тушиб қолар, келинининг қўлини совуқ сувга ҳам урдирмас, энг тансиқ неъматларни унинг оғзига тутарди. Мақсуданинг атрофида бу қадар гирдикапалак бўлишлари баъзан бошқа келинларига оғир ботишини ўзи ҳам сезиб қолар, лекин уларнинг ҳеч бири буни очикчасига изҳор қилолмаганидек Ражабгул опа ҳам дилини ёрмай кўнгилдагини қилаверарди. Кўзларига сурта-сурта топган қизалоғи-ку бу йил мактабга чиқади, лекин Мақсуда бир эмас уч ўғил туғди-ю бирортаси турмади. Ё туғриқ оғир кечади. Ёки чинқириб дунёга келган жигаргўшалари ҳали у ҳали бу дард билан пешоналарига сиғмаяпти. Бағри ҳувиллаб қолавериб юрак олди бўлиб қолган Мақсудаку фарзанд дейишга ҳам безиллаб қолган. Аммо эр бўлиб бир оғиз ҳам қаттиқ гапирмаган Пўлат акасининг кўнглини қизғонади. Табиатан мулойим Пўлатжон не дард бўлса ичига ютади. Аламини меҳнатдан олади. Уйда ҳам шу. Бу аёлни иши, бу эркакники деб ўтирмайди. Бир жиҳатдан ўзини Мақсудани олдида жуда-жуда гуноҳкор сезади. Шунданми не бўлмасин хотинининг раъйини қайтаришга журъат қилолмайди. Дилбандини тупроққа топширавериб чехрасидан қувончнинг ранглари аллақачон ўчиб кетган йигит ана шу маъсумгина умр йўлдошининг юпанчларидангина умидланиб ўғил орзусида яшаб юради гўё...

- Пўлатжон Тошканга кетгунча лабидан кулгу аримас, нукул жилмайиб гапирарди, - деб қолишади қовми-қариндош, кўни-қўшнилари мавриди келиб

қолса. Ұшоқдан жуда “босилиб” келди-а. Ражабгул опа бош ирғаб қўяди-ю ўзидан ўтганини ўзи билади. Нима қилсин, бу “босиқлик”нинг сабабини онаю ўғилдан бошқа ҳеч ким билмайди бу қишлоқда. Лекин иккаласининг ҳам армони ичида. Ҳатто бу ҳақда бир-бирларига ҳам ҳеч қачон сўз очишмайди. Аҳён-аҳёнда келини ердан кўзини узмай “Пўлат акам суюнсалар кўзлари ёниб кетаркан”. - дея ўғилчалари туғилган дақиқаларни эсласа, Ражабгул опанинг ҳеч битмас ярасини тирнаб ўтгандек бутун вужуди зирқираб кетади...

...Дарвоза қаттиқ урилгандек бўлди-ю Ражабгул опа чаққон ўрнидан қўзғалиб камзулини бошига солганча кўчага ошиқди. Шамолда дарахт шохлари учиб кетаётгандек тебранар, ҳар замонда ярқ этиб гулдираётган чақин бу манзарани янаям ваҳималироқ кўрсатарди... Йўқ, нимадир дарвозага урилган экан чоғи Пўлатжондан дарак йўқ. Яна туғриқ оғир бўлдимикан. Дарди-ку пишиб кетувди. Ўзи йўлга тушувди-я келини унамадида. Қизалоғига илҳақ бўлдим, Ражабгул опа ҳам ўғли хушхабар билан келгунча шўрва-пўрва қилиб қўярман деган хаёл билан қолақолувди. Опа шу ўйлар билан қоришиб яна туртина-суртина уйга кирди...

\* \* \*

...Ражабгул опа ишда қандай бир сўзли қаттиққўл бўлса уйда ҳам дегани деган эди. Бригада хўжаликда биринчи бўлиб режаларни бажаради деб сўз бердим. Гап тамом, уйда ҳам темир қонун. Шунданми оиланинг тўнғичи Пўлатжон мўмингина итоатгўй йигит бўлиб улғайди. Қозон-товоқдан бошлаб кир-чиргача урнаб кетаверади. Яна ўқишлари ҳам аъло. Аъло бўлмасинчи, Ражабгул опа қўярмикан?! Шунча ташвишлардан ортиб бир оёғи мактабда. Кундаликка қўл

қўйишни ҳам эрига ишонмайди... Докторликка иштиёқи баланд Пўлатжон мактабни тугатгач онасининг бир оғиз гапи билан ҳужжатларини ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига топширди.

- Меҳнат қилган одам нечатиб касал бўлади, - деганди ўшанда онаси гапни шартта кесиб. Бунинг устига қишлоғимизда докторлар кўп. Қачонгача пиллани, шолени, пахтани илмини биладиган ўқимиш-лиларни излаб пойтахтга югурамиз...

\* \* \*

...Осмон ҳам хуморидан чиқолмай юрган эканда, - ўзига ўзи пичирлади Ражабгул опа қўллари билан пайпаслаб чироғини ёқар экан. Пахта далаларини ҳам ювиб кетди-да. Олди майдонлардаги ниҳоллар кўзга кўриниб қолувди. - Уҳу соат учдан ўтибди-ку. Иккинчи ўғилчаларини кўришганда туман марказидан доктор чақиришга тўғри келувди. Яна бир кор ҳол бўлдимикан-а... Агар бу гал ҳам... Йўқ, йўқ. Пўлатжон қандай чидайди. Мақсуда ҳам жондай жигарини боласи. Шусиз ҳам эридан баттар ҳалитдан букчайиб қолган шўрлик... Худойим менгинани урсанг бўлмасмиди, мени... Ражабгул опа хаёлларидан сесканиб кетгандай “астағфируллоҳ, астағфируллоҳ” деди-ю гавдаси ўзига оғирлик қилаётгандек эшик тутқичидан ушлаб беихтиёр бўсағада ўтириб қолди...

\* \* \*

...Пўлатжон Гулзира билан иккинчи курснинг ўрталарида танишди. Бу дилкашгина сулув қиз бошқа факультетда ўқир, аввал ижарада турганлиги учун кўпчилик уни, у кўпчиликни яхши танимасди. Шу қиз ётоқхонада пайдо бўлди-ю Пўлатжоннинг ороми йўқолди. У онасининг “Сенга укамни қизидан

ўзгани олиб бермайман” деган гапани бот-бот эслаб ўзини чалғитишга қанча ҳаракат қилмасин Гулзиранни кўриши билан бутун дунёни унутиб қўярди. Хушфеъл Пўлатжон ҳам қизнинг кўнглида илиқ меҳр уйғотган. Бу туйғу кун сайин оловланиб бокира муҳаббатга айланиб икки қалбни бир-бирига маҳкам боғлаб қўйганди. Бу орада баҳор ўтиб имтиҳонлар ҳам бошланди. Ҳар гал синовлар арафасида ўн-ўн беш кило гуруч кўтариб келиб қоладиган Ражабгул опа бу гал ҳам одатини қанда қилмади. Йўл олис. Ҳорибтолиб келган опага ўғлини хонасидан тополмагани жуда алам қилди. Ҳар доим китоб варақлаб уйдан жилмай ўтирадиган ўғилдан қош қорайди ҳамки дарак бўлмади. Ошналари ҳам тайинли гап қилишмас, хонадошлари елка қисиб чиқиб-чиқиб кетишганди. Кутавериш тоқати тоқ бўлган Ражабгул опа эшикни бекитдида пастга тушиб қоровул кампирнинг ёнидаги ўриндиқлардан бирига чўкди. Бир гапни ўн қилиб чангитадиган бу эзма аёл ётоқхонада турадиганларнинг ҳаммасини беш қўлидай билар. Ҳатто “юрадиганлари”га мос ёки нолойиқлигини ҳам айтиб бера оларди.

- Пўлатжон, ҳойнаҳой келинингизни айлантириб юргандир-да, - деди кампир салмоқлаб Ражабгул опанинг кўнглига қўл соларкан. Лекин сизга айтсам келин қилсангиз қилгулик. Ота-оналари ҳам жуда баъманни тагли-тугли одамлар. Қизларини тез-тез йўқлаб туришарди. Кейинги пайтда онаси касалланиб қолганмишми негадир келмай қўйишди. Ёки ўғлингизга ишонмаяптими-а, ҳандон отиб кулди аёл... Жаҳлидан чатнаб ўтирган Ражабгул опага кампирнинг гапи бир гургут уриб юборгандай бўлди. У шашт билан ўрнидан тураркан “Мен хотин холашни кўрсатиб қўяман унга...” деди янаям асабийлашиб. Опа ичини ит тирнаб у ёндан бу ёнга юраркан эшикнинг очилиб аввал хушбичимгина

қиз ортидан унинг сумкачасини елкасига илиб олган ўғли кириб келганини сезмай ҳам қолди.

- Ана келиб қолишади дедимку...

Кампирнинг гапи оғзида қолди. Ражабгул опа аликини ҳам насия қилиб ўткир нигоҳларини ўғлига қадади.

- Сени ўқишга жўнатганман. Қизни аллақачон танлаб қўйганимизни яхши биласан...

- Нима... дея Гулзиранинг оху кўзларида ёш айланганча югуриб ичкарига кириб кетганди ўшанда... Ражабгул опаку орани очиқ қилмай ортига қайтмади. Айтгандай бўлди. Энди ўғли билан қиз ўзларини бегоналардек тутишар, ҳатто дуч келиб қолишса ҳам киприкларидаги намни яшириб тескари бурилиб кетишарди. Лекин Пўлатжоннинг шундан сўнг ойлар, йил ўтиб қишлоққа келиб кетмасликларини ҳам Ражабгул опа “Уйлантирсам ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади...” дея ўйлаб ҳам ўтирмади...

\* \* \*

- Ҳамма нарсани буюриб қилдиришга ўрганган феългинам қуриб кетсин. - ич-ичини кемираётган армон билан дилидан ўтказди Ражабгул опа. Кўнгилга буюриб ҳукм ўтказиб бўлмаслигини сочим оқариб, армон борлиғимни тилимлаганда тушундим...

Лоақал бирор марта боламнинг юрагига қўл солиб, “айт дардингни...” демабман-а...

\* \* \*

...Янги йил яқинлашиши билан дарслар санжаблашиб талабалар уй-уйларига жўнашди. Ётоқхона ҳам ҳувиллаб қолган. Қаватлардаги бир-икки хонанинг эшиги очилиб ёпилмаса ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит... Ҳаш-паш дегунча декабрнинг сўнги соатлари етиб келди. Байрамларнинг ўйин-кулгиси ҳам кўнгил-

га сизмайдиган бўлиб қолган Пўлатжон хонада анчагина чўзилиб ётди-ю охири ой-куни бир тутам бўлиб сиқилиб кетганиданми, зиналарни бир-бир босиб эринибгина пастга тушди. Ётоқхона ҳовлиси бўм-бўш. Фақат қоровул амакигина паға-паға бўлиб ёғаётган қорни завқ билан кузатарди.

- Бу яқин йилларда бунақанги лайлак қор ёғмаганди қаранг ўғлим. Қорда хосият кўп, - деди отахон болалардек севинч билан осмонга ишора қилиб. Кўкка қаранг, оппоқ...

Пўлатжон амакининг ишораси билан осмонга қарадию, кўзи тўртинчи қаватдаги биттагина хонада ёниб турган чироққа тушди. Шошма-шошма,-деди у ўзига ўзи четдаги деразадан бошлаб санаб келаркан. Бу Гулзирани хонаси-ку. Янги йил оқшоми у ҳам мендек дилпора бўлиб ўтирганмикан. Изтиробларнинг кети кўринмаяптику? Бундай яшашдан нима маъни бор ахир... Гулзира билан гаплашиб олишим керак... Пўлатжон анчадан бери тинчлик бермаётган шу ўйлар билан Гулзиранинг эшиги олдига келиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди. Юраги ҳаприқиб бутун журъати билан эшикни чертди. Кўнглига чироқ ёқса ёришмай суратларни титкилаб ўтирган Гулзира таниш эшик қоқишдан бутун вужудида илиқ бир сурур туюб сапчиб турди.

- Очинг мен Пўлатман... Барибир биз бир-биримизни севамиз. Гаплашиб олишимиз керак... Пўлатжон ҳам узук юлуқ сўзлардию, Гулзира каби ҳаяжонини босолмас, ўртада эшик, икки томонда икки қалб бир-бирига ёлвориб, интиқ талпинарди. Гулзира қай куч билан калитини буради, билмай қолди. Соғинчли диллар бир-бирларининг бағрига отилди. Пўлатжон Гулзиранинг ёшли кўзларидан, юзларидан ҳарорат билан ўпаркан, ҳамма гина-қудратлар пойларига тўкилиб кетганди гўё. Тиллар эмас юраклар сўзлашди шу кеч. Ўша оқшом ҳеч ўчмайдиган чироқ ҳам лип этиб ўчиб қолди...

\* \* \*

...Баҳорнинг сўнги кунларига келиб Гулзиранинг ҳомиласи анча билиниб қолди. У ётоқхонадагилардан тортинибми, уялибми яна ижарада тура бошлаганди. Гулзирага қаттиқ боғланиб қолган Пўлатжон эса ўйлаб ўйига ета олмас, миш-мишлар кўпайгани сари тезроқ бир йўлини топишга ошиқарди. Охири дўстларининг маслаҳати билан Гулзирани қишлоққа олиб бориб уйдагилар билан таништиришга аҳд қилди.

-Фарзанд кутаётганларингизни сезган заҳоти албатта оингизнинг кўнгли ийиб кетади, - деди ҳамхоналаридан бири ўйчан...

- Унинг устига Гулзира жуда ақлли, иболи қиз. Ҳар қандай кишига маъқул бўлади, - гап қўшди яна бири...

\* \* \*

...Ўша муштипар қизнинг жовдираб эшигимдан кириб келганини кўриб тош ҳам эрирди, лекин мен қургур эримадим-а, шўрвани қайта-қайта шопираркан бошини ўйчан қимирлатди Ражабгул опа. Ҳатто эримгаям билдирмадим. Яхши қиз экан-да, ёмон бўлса-ку тақдирга тан бердирарди. Балки бугунги кунимдан кўра шундай бўлгани яхшироқмиди... Беобрўлик қилиб бўлсаям бахтинг учун курашсанг бўлмасмиди Гулзира. Мен бадбахт ҳам сени, ҳам ўғлимни, ҳам жиянимни чирқиллатиб бугун “оҳ” тортиб ўтирмасмидим...

\* \* \*

Йўл олис эмасми Гулзира билан Пўлатжон қишлоққа кириб келганларида анча кеч кириб қолган, сингисининг туғилган кунига келган меҳмонлар ҳам тарқалиб ўз-ўзлари қолишган эди. Ражабгул опа Гулзирани бир кўришда танидию, сир бой бермади.

Қизлар яхши кунни “пойлаб” келган акасининг “кур-сдоши” ҳурмати қайта дастурхон безашди. Отаси қизини қутлаб ўтиш учун тушган “меҳмон”ни эртасига машинада ўзи кузатиб қўядиган бўлди. Сингиллари Гулзирани қўшни хонага олиб ўтиб кетгунларича отаси ҳам ҳоригани учун узр сўраб ухлагани чиқиб кетди.

- Ойижон, мен Гулзирасиз яшай олмайман. Биз яқинда фарзандлик бўламиз. - деди меҳмонхонада ҳоли қолишгач Пўлатжон онасининг кўзларига нажот тилаётгандек термулиб. Оқ фотиҳа беринг... Ўзи ҳам бир нарсани сезгандек ҳуши учиб ўтирган Ражабгул опа ўрнидан туриб деразадан у ёқдан бу ёққа аланглади-да жойига қайтиб ўтирди.

- Сенга қолса мени шармисор қиласанми дейман. Мақсудани айтиб қўйганимга неча йил бўлган?! Аввал менинг ўлигимни чиқариб кейин бу қизга уйланасан эшитдингми... Аввалдан онасига гап қайтариб ўрганмаган Пўлатжон онасининг авзойини кўриб гарансиб қолди... Бор ухла. Эртага бир фикрга келамиз. Болани йўқотасан қатъий оҳангда гапирди Ражабгул опа. Никоҳу ризоликларсиз туғилган гўдак бехосият бўлади. Пўлатжон ярқ этиб онасига қарадию юраги увишиб “Ахир уволига қоламанку...” дея олди холос...

\* \* \*

...Уволига қолдик, ёмон қолдик, - болам, хаёлан сўзлашаркан кўз ёшларини ичига ютмоқ бўлди Ражабгул опа чуқур уҳ тортиб соат миллари бешга яқинлашаётганига мунғайиб қараб қўяркан. Докторлар узоғи билан икки соатда кўзи ёриydi дейишувди-ку олиб кетишаётганларида келинини. Кўнглим сезиб турибди бирор кори ҳол бўлган. Яхшилик бўлса аллақачон хабари етиб келарди...



...Ўғлини Гулзирани бошлаб келишини кутмаган Ражабгул опа тун бўйи тўлғониб чиқди ўшанда. Нима бўлса болани олдириш керак деган фикр миясида чарх урарди. У Пўлатжоннинг хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашиб ҳам ўтирмас, эс хаёли Гулзирани қандай қилиб рози қилишда эди...

Тонг ёришар-ёришмас Гулзира ҳам кетиш тараддудига тушди. У Ражабгул опанинг хушламаганини дил-дилидан ҳис этиб кечани тиканга ағанагандек мижжа қоқмай ўтказган эди. У ўзини қоп-қора тутун ичида қолгандек сезар шу ҳовлидан чиқиб кетса ҳаммасидан қутиладиган сезарди ўзини...

- Қиз бола ўзини тутолмадим. - дунёни куйгани шуда. Энди бир йўлини қилайлик, - деди Ражабгул опа қовоғидан қор ёғилиб унинг кўлидан сумкасини олиб сўрига бошларкан, Эркак - ҳар қанча қилса эркакда!

Кўрпачанинг бир четига илинибгина ўтирган Гулзира бир сўз демас, фақат кўзларидан оқаётган шашқатор ёшларни тия олмай ҳар замонда энтикиб кўярди.

- Ота-она ризолигисиз ҳеч ким бахт топмаган. Мен боламни сенга бериб кўядиганлардан эмаслигимни биларсан. Агар ўғлим сени деса қайтиб бу остонага йўлатмайман. Мендан ўтиб ҳеч бир жигари уни йўқлай олмайди... Сени ота-онангни ҳам ор-номуси бордирку ахир...

Ражабгул опанинг бу гаплари Гулзиранинг жон-жонидан ўтиб кетди.

- Болани олдирасан, - ўша оҳангда давом этди Ражабгул опа. Нима ҳаражати бўлса мана мен туриб бераман. Кўча-кўйда орттирган боланинг бизга кераги йўқ...

Гулзира бошқа чидай олмади. Хўнграб юбормас-

лик учун лабларига рўмолчасини босганча кўчага отилди...

У автобусда кета-кетгунча ўз хаёллари билан ўзи қоришиб борди. Пўлатжон билан бирга бўла олмаслиги-ку аниқ. Турмуш қуришди ҳам дейлик. Қавму қариндошларидан кечиб у Гулзира билан бахтли бўла олармикан?! Орада у бир умр ўзини ҳам, суюклисини ҳам азобга қўймайдими. Онаизорику икки йилдан буён тўшакка михланиб қолган бўлса. Пўлатжонникилар орзу ҳавас билан сўраб боришгандаку бошқа гап эди... Гулзира ўйлаб ўйига ета олмас, унинг учун ҳам болани олдириб ташлашдан бошқа йўл кўринмасди ҳеч...

\* \* \*

Гулзирани суриштира-суриштира бир доя аёл билан таништиришди. Доя Гулзирани ичкарига киргиза-киргиза кўзлари чақнаб пулни санаб олди-ю, ишини тугатиб чиққач халатига учган қон доғларини яширолмай, эгнидан суғураркан йўлакда ўтирган Пўлатжонга бир ўқрайиб қарадида четга имлади:

- Тулпорчадек ўғил экан. Ўзиям бўлари бўлди. Менга бор йўғи икки ойликлар атрофида деб ҳол-жонимга қўйишмаганди. Гуноҳига тенг шериксиз ука...

\* \* \*

Ҳафта ўтмай орқасидан бориб қолган онасига Пўлатжон, “Ўз ўғлимни чавақлатиб ташладим, худо энди менга ўғил берармикан”, - дея хўнграб йиғлаганди шу воқеадан сўнг...

\* \* \*

...Ўғилнику берди, тангрим умрини бермади “...Сен бандам бўлиб норасида бегуноҳ гўдакнинг умрига зомин бўлдинг. Ана энди берганимни олиб

зор қиламан. Гуноҳингнинг азобини симириб яшай-вер...”- дедими оллоҳим ҳам во дариф...

Ражабгул опа худди ёнида биров бордек шивирлар, юраги эса гашлангандан гашланаверарди. Шу лаҳза негадир Мақсуданинг икки ҳафталар бурун кўрган тушини йиғлаб айтиб берганини эслади:

- Аммажон, кўкрагимда оппоқ ўғил чақалоқ эмиш. Эмизаяпман. Бир пайт келиб “Менга бер” деб дўқ уриб кетдингиз. Қўлларим қалтираб сира-сира бергим келмай узатдим.

- Кўчага ирғитиб юбориш керак буни, - дея деразадан ташқарига отмоқчи бўляпсиз. Ёлвормоқчи бўлману овозим чиқмасмиш. Оқшом чоғи, кўча зимистон, ҳаво мушдек эмиш. Дод солиб уйғониб кетдим...

Келинининг овози қулоғининг тагида жаранглаётгандек Ражабгул опанинг аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб ҳолсизгина деворга суяниб қолди.

\* \* \*

Тушга яқин Пўлатжон духоба ёстиқ устига ўраб қўйилган чақалоқни бағрига босиб қабристон томон кетиб борар, унинг тили калимага келмас, нигоҳларида мунг қотиб қолганди. Қирққа кирган йигитнинг белида етмиш ёшлик чолнинг қуввати йўқдек оёғини зўрға судраб босарди...

## ЎФИРЛАНГАН БОЛАЛИК

### *Биринчи тақдир*

...Ҳафиза дарвозанинг қаттиқ таққилашидан ўзига келди. Ҳаёлларини йиғиб ошхонадан эшик томон ошиқаркан, беихтиёр кўзи қайнайвериб қуриб кетган чойнакка тушди. Ҳовлиққанча чойнакни ўрнидан силжитмоқ бўлганди қизиб кетган тутқичи бармоқларини жизиллатиб юборди. У шу кўйи қўлларини силтай-силтай кўчага югурди.

- Санжарларнинг уйи шуми, - хавотирли нигоҳларини яширмоқчидайин сўради от жоловини тутиб турган йигит... Сиз онаси бўлсангиз керак. Ўғлингиз бугун тонг маҳали бехосдан дарага йиқилиб тушди. Ҳозир касалхонада ўзига келиб келмай сизни йўқлаяпти... Уйларингизни анча суриштириб зўрға топдим.

Ҳафиза донг қотиб қолди. Шамолда ортидан шарақлаб очилиб кетган дарвозанинг тарақлашидан ҳаёлини жамлагандай бўлдию, елкасига сирғалиб тушган рўмолини қўлига олганча гоҳ юриб, гоҳ югуриб касалхона томон талпинди. Бораркан гўё ортга кетаётгандек қадамлари имиллар, ўзи билан ўзи олишиб гуноҳолари дилбандини азоблаётгандек ич-ичидан тўлғонар, кўзларидан оқаётган ёшлари тарам-тарам ёрилиб кетган лабларини ялаб ўтарди.

\* \* \*

...Ҳафиза биринчи турмушидан тинмади. Ўзининг гўрликлари, ўжарлиги бир ён бўлдию инжиқланиб қолган қайнонанинг тергашлари жон-жонидан ўтиб

кетди. Беш аканинг эрка синглиси бўлиб ўсмаганми, қайнона бир гапирса ўн қилиб қайтармаса кўнгли жойига тушмасди. Охири иккаласининг ўртасида элчи бўлавериб толиққан эрининг ҳам тоқати тоқ бўлди. Шунда ҳам Ҳафиза шаштидан қайтмади. Атак-чечак қилиб хонадоннинг эркасига айланиб қолган Санжарни отасининг қўлидан юлқиб олдида дарвозани қаттиқ ёпиб ота уйига йўл олди. Гўё Санжар у билан бўлса барибир соғиниб ялиниб келишарди. Лекин бу гал у ўйлагандек бўлмади. Аввали эри ўғлидан кўз узолмай юридю, йил ўтмай соғинчининг ришталари ҳам чирт-чирт узилди. Эрининг бундай кескин ҳаракат қилишини кутмаган Ҳафиза ўзини анча олдириб қўйди. Гўлдек чеҳрасига маъсумлик чўкди, ҳаловати бузилди. Эрининг кундоши билан бозорлик қилиб юрганида тўқнаш келиб қолгандан сўнг эса болажонининг пешонасига етимлик тамғаси босилганини юрак-юрагидан англагандек бўлди. Бироқ гишт қолипидан кўчган эди. Аста-аста янгаларнинг ҳам қоши керилиб, акаларнинг қовоғи солинди. Жиянлари ҳам оталарининг ортидан уларга эргашиб меҳр талашаётганини тушунгандек Санжарни чиқиштирмайдиган бўлишди. Айниқса онаизори оламдан ўтгач Ҳафизага бу даргоҳдан ўрин қолмади.

У йиллар ўтиб армоннинг аччиқ фарёдини кўксига босганча ўзидан йигирма ёшлар чамаси катта фарзандлари ўйли-жойли бўлиб кетган кишига турмушга чиқди. Ҳафиза-ку кўнди, кўникди. Аммо Санжари асло эл бўлолмади. У гоҳ ўғай ота сиқувларидан қочиб, отасиникигами кетиб қолар, гоҳ ўғай она зардаларидан кўнгли вайрон бўлиб онаси меҳрига талпинарди. Санжар улғайган сари ҳар икки хонадондан ҳам беза бошлади. Ҳафиза аввал-аввал ўғлининг бу қилиғини қўни-қўшнилардан бекитиб ўзича азоблади. Ўғил эса бу дарбадарликка одатланиб борарди...

Лекин бу сафарги чиқиб кетиши ҳаммасидан ошиб тушди. Неча кунки дараги йўқ. Танишларини ўртага қўйиб отасиникидан ҳам суриштирди. У ерга ҳам анчадан буён бормаган. курган билган қавму қариндошлариникига-ку бир-бир кириб чиқди. Йўқ. Ҳафизанинг тунлари оромсиз, кундузлари ҳаловатсиз ой куни бир тутам бўлиб ўтирганда қўшниси гап топиб келди. “Тоғ бағридаги қишлоқда бир йигитча чўпонларга ҳамоллик қилиб юрганмиш. Акаларингизга айтинг. Бирров бориб келишсин. Ҳаммасининг тагида машина...”, - қўшиб қўйди ҳамма жойдан хабардор Кайвона хола. Ҳафизанинг юраги “шув” этиб кетди. Қайси акасига борсин, уларнинг ҳам жонига тегиб бўлган. Ўз ташвишлари ўзларига етарли... Дарчадан ўзи бўйлаб кириб келган қўшни дастурхон ёзишга ҳам ҳафсаласиз яна нималарнидир уқтирган бўлдию ўзича шиппиллаб чиқиб кетди. “...Ҳойнаҳой ўша менинг боламдир” - ўзи билан ўзи сўзлашарди Ҳафиза. Ўзи нимжонгина, кун-пун уриб дардига дард қўшилмасмикан. Ўтган йили сариқ бўлганида зўрға оёққа турғизгандим... Ўзим йўлга тушаман, сўраган маккани топибди дейдилар. Бу ерларку қишлоқчилик... Ҳафиза шу ўйлар билан тараддулланиб турганда совуқ хабар уни излаб топганди...

\* \* \*

...Касалхонанинг тор йўлкасида ҳам у, дам бу хонанинг эшигини очаётган аёлни ҳеч ким тўхтатолмас, зум ўтмай йиғилганлар эса ёқаларини ушлаб шивирлашарди.

### *Иккинчи тақдир*

...Кун бўйи ёққан ёмғирдан қишлоқнинг тор

йўлкалари ивиб кетди. Тун ярмидан оққанда катта йўл бошида дўстининг машинасидан тушиб қолган Олим уйига етиб келгунича алламаҳал бўлиб қолди. Деразани оҳиста чертай деса болаларининг уйқусини қизганди. “Балки амаллаб дарвозани очарман” деган хаёлда бурилиши билан дарвозанинг қия очигидан кўшнининг мушуги “лип” этиб чиқиб кетди. Олим ҳайрон бўлди. Чунки Собира жуда пухта аёл. Айниқса эри йўғида ҳеч бир нарсани қаровчиз қолдирмасди-да. Олим шу ўйда супадан ётоқхона томон буриларкан, омборхона томондан келаётган шивир-шивирдан сергак тортди... Оёқ учида шу томон юрди.

- Бўлди Ҳақим кетинг, - ялинарди хотини. Кенжамни кечаси уйғонадиган одати бор... Хўп-хўп, яна учрашамиз дедимку...

Ҳақим! Олим турган жойида қотиб қолди. Довдираб дарвоза томон юраркан, муюлишдаги уй эшиги олдида турган тўрт жуфт ковушчани кўриб юраги ачишиб кетди. Шу кўйи гандираклаб ичкарига кирди-да, болаларини пешонасидан бир-бир ўпиб супага қайтиб чиқди.

- Эй дадаси қачон келдингиз. Молларга қарагани чиқувдим... Хотини яна нималардир дедию, Олимнинг қулоғига кирмади. У аёли томон юзланишни ҳам истамай, намиқиб кетган костюмини елкасига ташлаганча чиқиб кетди...

\* \* \*

...Собира билан Ҳақимнинг хилватларда учрашиб юргани қишлоққа дув-дув гап бўлганди ўшанда. Аммо урушда қон кечиб қайтган Собиранинг отаси Шариф бобонинг чўп оёғини ўқталаб бир дағдаға қилиши билан яна маҳалла сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди. Собира-ку эшик ҳатлаб далага ҳам чиқмай кўйди. Шу-шу ҳеч ким бу ҳақда қайтиб сўз очишга

журъат қилолмади. У йиллар Олим хизматда эди. Қай-  
тгач ота васиятига бош эгиб суйиб-суйиб Собирага  
уйланди. Тақдир эканми, бирин-кетин туғилган фар-  
зандлар уларни бир-бирига маҳкам боғлаб қўйди. бу  
орада Олим сиртдан институтни тугатди. Ўртоқлари-  
нинг кўмаги билан шаҳардаги яхшигина корхона-  
лардан бирига ишга жойлашди. Иш-ишда гоҳи йиғи-  
лишлар чўзилиб у ётоқхонада ҳам тунаб қоларди...

\* \* \*

...Ҳаммаси ўша қўшни маҳалладаги тўйдан бош-  
ланди. Икки-уч кундан буён Олимнинг шаҳарда қолиб  
кетгани аламини келтириб юрган Собиранинг кўзла-  
ри яхшигина кайф қилиб олган Ҳакимга тушиб қол-  
дию, беихтиёр эски ҳиссиётлар юз очгандай бўлди.  
Тўй охирлашгунча нигоҳлар бир неча бора жуфтлашди.  
Ўзини ноқулай сеза бошлаган Собира бир баҳона то-  
пиб ҳамроҳларидан олдинроқ кўзгалди. Ўз хаёллари-  
дан ўзи ижирғаниб кетаётган аёл, тутзор тор йўлка-  
ларда ортидан телбанамо югургилаб келаётган Ҳаким  
билан юзлашмасликка чора топа олмади. Кўвнгиллар  
бир-бирига талпинди. Ақл эҳтиросларнинг қўлига  
айланди. Кунлар шундай шошиб-шошилиб ўтаверди.  
Собира энди эрининг ҳатто ҳафталаб қолиб кетиш-  
ларидан ҳам оғринмайдиган, инжиқланмайдиган  
бўлиб қолди. Бу Олимга оғир ботар, гоҳи жиққилла-  
шиб ҳам олишар, у хотинидаги бу ўзгаришларга ҳай-  
рон эди...

\* \* \*

Номуси топталиб озиб-тўзиб кетган укаларидан ҳатто  
мунис опажонлари ҳам бир сўз олишолмади. Мартаба-  
си ошса ҳамки Олимнинг қадди кўтарилмади. Фақат  
йиллар ўтиб маъсумгина котиба жувоннинг илиқ меҳ-  
ридан ўзига келгандай бўлди. Жовдирабгина отагина-



сини йўқлаб келган болалар ҳам бир-бир унинг пано-  
хидан кўним топишди. Боалаларининг иссиқ-совуғига  
ҳам ярай олмай тўшакда михланиб қолган Собирагина  
яна болаизорларини қийнар, оналарини соғиниб кет-  
ган ҳеч нарсадан беҳабар муштипар бу туйгуларини ҳеч  
ким, ҳатто оталари ҳам эшитишни, тушунишни иста-  
маганларидан азобланишарди. Жажжигина гўдагини еру  
кўкка ишонмайдиган ўғай оналарининг илтифотидан  
меҳр-мурувват излашарди.

## ДОҒ

### *Биринчи воқеа*

Кўзлари жовдираб турган қизалоқ муаллимаси у  
олиб келган гулларни ҳам гулдонга қўйишини жуда  
истарди. Лоланинг гулдастаси жуда чиройли экан-да,  
ўқитувчимиз суюниб шу заҳотиёқ сувга солдириб  
қўйдирди, - дарс ҳам қулоғига кирмай хаёлидан ўтка-  
зарди қизча. Фаррух, Сораларники ҳам ўқитувчимиз  
столи устида яшнаб турибди. Ҳатто муаллими қувонч  
билан уларни бағрига ҳам босиб қўйди. Менинг ойим  
ҳам маошларини ололганда эдими ўқитувчимизнинг  
байрамига ҳамманикидан чиройли гулдаста олиб ке-  
лардим-а. Тўғри гулларим озроқ бўлибди. Ўқитувчим  
бу гулларни мен қишлоқдан бағримга босиб атайлаб  
у киши учун келтирганимни билмади-да. бўлмаса  
қошлари чимирилиб норозидай қараб қўймасдилар  
менга...

...қизалоқ шу куниёқ дарс тугаши билан навбат-  
чиларнинг у келтирган атиргулларни ахлат қутисига  
ташлаётганларини кўриб, беихтиёр йиғлаб юборди...

## *Иккинчи воқеа*

...Синфга янги адабиёт фани муаллимаси кириб келди. Қош-кўзлари популдеккина йигирма беш ёшлардаги ўқитувчининг бераётган сабоғидан кўра эғнидаги либоси-ю антиқа турмакланган сочи, ҳафсала билан берилган пардоз-андози кўпроқ ўқувчилар хаёлини ўғирлади. Муаллиманинг юпқа матодан тикилган кофтаси, тор шими ҳаракат қилганда дуркун қоматини янаям кўз-кўз қилар, ўқувчилар қарши-сида иб-хаёдайин гўзал ҳислатларнинг юзига чизиқ тортиларди гўё... Юқори синф ўқувчиларининг дунёқарашлари анчайин шаклланган бўлади. Кимдир адабиёт сабоғини “кўзларини юмиб” олди шу куни. Яна кимдир дафтарининг орқасига муаллиманинг суратини чизди. Қизлардан нечтаси йигитлардан нигоҳларини олиб қочишса, нечалари эртаси куни устозларидан ҳам “хушбичим” кийиниб келишди. Дарсдан кечга қолишса-да ўзига оро беришни унутмаганлар ҳам анча бўлди.

## *Учинчи воқеа*

...Тўй авжида. Даврада ўтирганлардан ҳар хил мақомга йўрғалаб рақс тушаётганлар кўп. Синфдошлари уйланаётганидан шу баҳона дийдорлашганларидан шод йигит-қизлар тўйга собиқ синф раҳбарлари ташриф буюрганларидан хабар топиб бирин-кетин салом аликка кела бошлашди. Сочлари оқариб қолган муаллим аввали ҳар бир шоғирди билан хурсандчиликка қадаҳ кўтарди. “Ичолмайман” дея ўзларини четга олган қизлар ҳам устозларининг қўлларини қайтара олишмади. Сўнгра ўтган кунлар хотирасию, учрашув шарафига... Қилинган хизматлар минг бора такрорланди. Кайфи ошиб қолган муаллим энди ўқув-

чиларини саҳнага тортиб, ўзи раққоса қиз атрофида гир-гир айлана бошлади. Чўнтагидаги кечагина олинган маош - қати синмаган пуллар ўйинчининг бошидан сочилди. Даврабошининг қўлидаги микрофонга икки-уч марта ёпишиб, ўзи ўқитганларга пойдар-пой сўзлар билан бахт тилаган бўлди. Уятдан қизарган куёв жўралар ўзларини четга ола бошлашди. Домла нима қилаётганини, нима деяётганини ўзи ҳам билмасди... Охири тўйбошининг ишораси билан уч-тўрт йигит “устоз”ларини суяб уйига олиб бориб қўйишди.

## КЎЗМУНЧОҒИНГ БЎЛАЙИН

...Ўғил-қизингиз улғайган сари унинг қадди бўйига қараб суюнарсангиз. Аммо бировга айтсангиз тилингиз, айтмасангиз дилингиз куядиган уйлариңгиз ҳам кўпайгандан кўпайиб боравераркан. Бу хаёллар ҳар гал кўнглингиз ярасини тирнаб ўтганда яна онаизор ўзини эмас дилбандингиз нафини ўйлаб кўяркансиз. Болангиз эса... Эҳ, ғўрлик, нодонлик, бу меҳрингиз кўриғвони қадрини кеч англаркан. Балки одамзотнинг бошига тушадиган гоҳ у, гоҳ бу тахлит кўргуликларнинг боиси балки пойи жаннат саналмиш волидаи муҳтарама дилидаги озорларимиздир. Сизга бу туйғуни уқтирмақ бўлиб юракларда “оҳ”ларни қоғозга туширмақ бўлдим. Зора ўқиб кўнглингиз уйғонса...

\* \* \*

...Болагинам “Тенг тенги билан тезак қопи билан” деган нақлни қулоғингга кўп қуйдим, тушунишни истамадинг. Фалончиевнинг қизига ошиқу беқарор бўлдинг. Раўйингни қайтаролмадим. Совчиликка юборганигдаёқ мени назарга илгилари келмагани-

ни сездим. Мен айтолмасамда, бу ҳолатни кўшни холагдан ўзинг ҳам эшитдинг. Барибир кўнглингни узолмадинг. Қайнотанг алоҳида ҳовли олиб берди. Мамнун эргашдинг. Бир сўз демадим, болажоним... Лекин кеча уйингга борганимда тутдай тўкилиб қайтдим. Ўз қадримга эмас, сенинг иззатингга ўғилгинам. Биргина йўқловчинг мени қадамимни кўп кўрди. Сени “таги паст”га чиқарган хотининг эртага ўтиб кетсам нималар қиларкан... Сен чекмасдинг болам, сирғалибгина уйдан чиқиб дарахтга суянганча сигарета тутатиб ўтирганингни кўриб юрагим тўлиб кетди. Қақдинг ҳам алланечук букчайиб қолгандай. Менинг айбим нима болам? Фарзандингнинг бахти ўзингникидан азиз, ширин бўлади дейдилар. Нуридийдам қилган хизматларимга илло мингдан-минг рози эдим, менга бу бахтни ином этолсанг!

\* \* \*

...Ой қизим, зебо қизим. Нечун бунча жонсарақ куйди-пишди ширингина жонингни ҳеч ўйламайдиган бўлиб улғайдинг. Билсанг сени тани сиҳатинг ўзингданда менга азиздек. Ҳамма нарсанинг ўлчами бўлганидек, ўзни ўтга, чўққа урмоқ, фидойиликнинг ҳам чегараси бор. Кимлар учун елиб югурмоққа изн сўрамоқ учун мени кўнглимни овламоқ бўлардинг. Мен эса сени бу феълингни қизғона-қизғона минг хавотир билан ўзга хонадонга узатдим... Қайнона-қайнотанинг меҳнатига ишонгани Сен. Куёв йигитни қўлини совуқ сувга урдирмай, “пүф-пүф-лаб” кўчага узатган - Сен, меҳмон келса кузатган уйингдагилар меҳмонга кетса молу ҳовли кўриқлаган - Сен. Гоҳи ҳаяжон билан жавондаги китобга қўлингни узатмоқ бўласану кун тун адо бўлмас юмушларни ўйлаб чеҳранг тундлашади. шу кўйи йил ўтиб болалик бўлдинг. Бешик кўриғвони қайнонанг-

у, сен яна ўша-ўша “суюкли келин”... Ҳали ҳовли супирмоқ, ҳали сигир соғмоқ, нон ёпмоқ... Чақалонинг чирқиллагандагина бешикка энгашмоққа изн берилади...

...У кун бирров болангни кўтариб келиб қолдинг. Эргашиб келган қайнисингнинг оғзимни пойлайди. Олти ойлик гўдагингга кўкрагингда сут йўқ. Гулизебо ёшингда озиб тузиб, ўттиздан ошган жувонга ўхшаб қолибсан. Сен кетдингу кўнглимни чўлғаб олган туман кетмади. Оҳ қизима, сенга ҳамма хушфазилатларни ўргатибману ўзингни қадрлашни ўргата олмабманда!

## ЭРТА УЛҒАЙГАН ҚИЗЧА

...Шошилиб кўчага чиққанимда, кишининг қисқа кундузи ўрнига шом ўз тўрини аллақачон ёзиб олган эди. Сокин йўлкалар жим-жит. Бу осудалигу, сукунатни хазонларни шитирлатиб шивалаётган ёмғир томчиларигина бузаётгандай гўё... Ўз хаёлларим билан қоришиб ортимдан келаётган қизчага эътибор ҳам бермабман.

- Хола қаердан қайтяпсиз?

...Илдамлаб етиб олган қизалоқ яқин кишиси билан учрашиб қолгандай менга юзланди:

- Касалхонага келувдим, уйга кетаяпман... - Ўзингчи кеч бўлганда, - дедим таажжубимни яширолмай. Беихтиёр қаршимда пилдираб бораётган қизчага зимдан разм солиб. Кўзим тушиб мени сергаклантирган нарса оёғидаги йиртиқ латта ковушчаси ва пайпоқларининг тешигидан чиқиб турган бармоқлари бўлди. Шундан сўнг мен энди унга шунчаки ҳамроҳ сифатида қарайолмасдим. Қизча эса бепарво. Устки кийи-

мининг тугмалари йўқлигидан юпқа кўйлакчасида анчагина совуқсираётгани сезилиб турарди...

- Чироғимиз ўчиб қолибди. Бир зум кўрқдим. Бувимникига кетаяпман. - дея гапида давом этди қизча. Иккинчи сменада ўқийман. Дарсимиз тугагунча кеч кириб қолди. Келиб зўрага эшикни очсам, чироқ йўқ.

- Нечанчи синфда ўқийсан? - энди беихтиёр уни ўзим сўроққа тута бошладим.

- Учинчида...

- бувинг қаерда туради?

- Вокзал худудида...

- Эҳ-ҳе анча олис-ку, қандай етиб оласан?

- Пулим бор таксига чиқаман. - деди қизча дадилгина.

Энди таажжубим яна ортди. муштдеккина қизалоқ таксида ёлғиз юрса. Яна кечқурун...

- Ота-онанг қаерда?

- товарга кетишган. Дўконимиз бор. Укачам ҳали ўн ойлик, бувимникида. Мен эса уй қоровули эдим. Бувимлар ҳам бирор жойга меҳмонга кетиб қолмаган бўлсинларда... Кетаётганим учун дадам билан ойим мени роса койиса керак. уйни ёлғиз қолдирма деб тайинлашганди. Нима қилай чироқ йўқ, кўрқаманда...

Қизча саволларимдан зерикдими ёки шошилганиданми кейинги гапларимга кулоқ солмай илдамлаб кетди. Мен анча жойгача хавотирли нигоҳлар билан уни кузатиб бордимда, ўз ташвишларим ортидан кетдим. дилимга эса минг бир савол келиб урилаверар эди.

...қизча нега бунча эрта улғайиб қолган? Уни таксига биринчи чиқишига ўхшамайди. Қай юрак билан шу мурғаккина норасидани ота-она уйга “қоровул” қилиб кетган? Ахир; “кўза куниди синади” деган гап бор-ку? Наҳот бойлик, мол-дунё хирси фарзанд меҳридан ҳам

устун бўлиб кетди?! Охир оқибат бу тор йўлчалар бизни қай манзилларга олиб борар экан-а...

## ДОМЛА

*(Воқеий ҳикоя)*

...Халил ака дашту ёвонлардан ўтиб овулга яқинлашганида қош қорайиб, чор атрофга сукунат чўка бошлаган эди. Олис йўл босганиданми анча толиққан, устига устак эртанги дарс жадвалини хаёлидан ўтказгани сари ҳорғинлиги ортиб бораётгандек тезроқ уйига бориб иш столига ўтиришга ошиқарди. Ўтилажак мавзулар-ку унга ёд бўлиб кетганди. Лекин мана ўқитувчилик қилаётганига қарийиб йигирма саккиз йил бўлибди ҳамки бирор сафар дарсга тайёргарликсиз кирмайди. Бу изланишлар эса унинг ўзига ҳам ҳузур бағишлайди. Ҳар гал китоб варақлаганида илму урфон оламининг янги бир дунёсини кашф этгандек, дили равшан бўлиб ўқувчиларига ҳам бу зиёни улашмоққа ошиқади...

Шунданми, ҳамкасбларининг дарсга тайёргарликсиз келишининг ҳар қандай сабабини кечиролмайди. “Бола-ни алдаб умрини ўтказиш гуноҳ... Нонингни ҳалоллаб егин...” дея кўп уқтиради шогирдларига... “Тасодиф оёқ остида”, деганларидек, шу пайт машин бир силкиндию тўхтади-қолди. Халил ака техника сирини унча-мунча тушунар, хизмат сафарларига кўп чиққанидан бунақа вазиятга биринчи дуч келиши эмас эди. У оғир хўрсиниб қўлларини машина рўлига асабий урди-да, костюмини ечиб, машинасига урнай кетди. Лекин қанча ҳаракат қилмасин, ҳеч ўрнидан силжита олмади...

Халил ака қоп-қора мой бўлган қўлларини артаркан, онда-сонла чироқлар шўъласи кўриниб турган хонадонлар томон умидвор тикилганча хаёлга чўмди. “...Бу ерларда мени ҳеч ким танимаса. Тун қоронғусида қаерга бордим энди... Аксига олганини қаранг, эртага малака ошириш институтида маъруза ўқиб бераман деб ҳам ваъда бериб қўйгандим... Овулга бориб, дуч келган хонадон эшигини қоқиб ёрдам сўрасаммикан...” У шу ўйлар билан беихтиёр қадам ташлаб бораркан, рўпарасидан келаётган кишини сезмай ҳам қолди.

— Ассалому алайкум, домла, — деди ҳалиги йигит юзма-юз келганларида қўлини кўксига қўйиб. Биз томонларга хуш келибсиз...

“Домла” деган сўзни эшитиши билан Халил аканинг кўнглига илиқлик югуриб дили ёришди. Хушнуд сўрашишгач, мийиғида жилмайиб, дардининг “учи”ни чиқарди. Йигит “ҳозир”, дея ортига бурилиб, муюлишдаги ҳовлига кириб кетди-ю зум ўтмай машинасини ҳайдаб ҳайдаб чиқди. Мезбоннинг собиқ ўқувчиларидан эканини билиб олгач, Халил аканинг юрагидаги хижиллик ҳам тарқагандай. суҳбатлари қовушиб кетди... Кўшни овулдаги уста ҳам дўсти бошлаб келган меҳмонни хушнуд қарши олди.

— Қадамингизга қўй сўйсак, арзийди, — деди уста уларни сўрига бошларкан. — Чамамда мени танимадингизов. Учрашганимизга ҳам анча йиллар бўлдида. Сизлар кўпни ичида юрасиз. Махсус мактабдатоҳсил олган жиянимни ўқитган эдингиз. Ёдингизда бўлса, етуклик аттестатини ўз қўлингиз билан топширгандингиз...

— Ҳа, — кулди Халил ака устанинг иссиқ чеҳрасига қайта разм соларкан, қайсидир йиллардаги воқеаларни хаёлидан қайта тикламоқ бўлиб. — Ўша жиянингиз олийгоҳни ҳам тугатгандир. Яхши ўқирди.



— Ҳа, домлажон. Ҳозир туманимиз марказидаги яхшигина идорада ишляпти. Обрў-эътибори ҳам ёмон эмас. Зап йўлингиз тушибди-да, азиз меҳмонимиз бўласиз.

Устанинг ишораси билан аёли бир зумда дастурхон тузаб, чой дамлаб келди.

— Овқат тайёр бўлгунича мошинангиз отдай бўлади. Сизлар ҳангома қилиб турасизлар.

Уста шундай деди-ю Халил аканинг “бирга бо-райлик...” дейишига унамай, катта ўғлини имлаганча, йўлга қараб кетди...

...Таом сузилганда дастурхон атрофи қўни-қўшнилар билан тўлган. Халил ака уларнинг қайсинидир ўзига яна бирининг ака-ука, оға-инисига устозлик қилиб кўнгилларидан жой олган эди. Улар домланинг ташрифидан беҳад шод, у кишининг иззатини қилишга уринаётганларидан мамнун эдилар...

xxx

...Тун ярмидан оққанда уйига кириб келган Халил аканинг жисму жонида ҳорғинликдан асар ҳам қолмаган, қадрдон столи устида турган китобларини варақларкан, “домла” аталмиш улуғ унвони шуқуҳидан сархуш эди.

## БОЛАНИНГ ҲАМ ЎЗ ДУНЁСИ БОР

*(Қатралар)*

— Ойижон, раҳбарингиздан илтимос қилинг, қишда ҳам сизни таътилга чиқара қолсин.

— Нега қизалоғим?

– Иккаламиз уйда мазза қилиб қор ёғишини кузатардик. Сиз билан бирга бўлишдан ҳеч тўймайман...

\* \* \*

...Дадам мени бир ўқитувчи биланкелишиб инглиз тилини ўргаттиряпти. Қанчадир пул ҳам тўлайди ҳар ойида. Мен эса муаллимимнинг кўзларига термулиб, хаёлим уйимиз олдидаги устахонадаги темир-терсакларга кетиб қолади. Чет тилидан олдин машина тилини ўргангим келса, айбим нима...

\* \* \*

...Отам ҳам, онам ҳам уйда неки ножўя ҳаракат бўлса, мени айблашаверади. Ҳатто бир-бирлари билан чиқишмай қолишса ҳам, мен орқали бир-бирларига гап “отишади”. Синглим “вой” деса ҳам, кўшни боланинг бурни қонаса ҳам, мен дакки эшитаман... Билмадим, мен қандай қилиб яхши одам бўларканман-а...

\* \* \*

...Бувим янги ой чиққанда ният қилсанг, амалга ошади, – дейдилар. Менинг эса орзуларим ушалмаяпти. Баъзан ҳатто тушларимда ҳам ўроқ мисол ойнанинг ортидан югуриб, ёлвориб чиқаман. “...Дадажон, уйимизга қайтиб кела қолинг...” дея...

\* \* \*

– Ойижон, болалар ёмон сўзлар билан бир-бирла-

рини ҳақорат қилишни қаердан ўрганишади, биласизми?

— Хўш...

— Ота-оналаридан!

\* \* \*

— Ўғлим, нега Сарвар дўстинг билан ўйнамай қўйдинг?

— Чунки унинг ота-онаси ажрашишаётган эмиш. Кимнинг уйида бундай ёмон иш бўлса, сафимизга қўшмасликка келишиб олдик.

— Вой, ўғлим-а, ахир болада нима гуноҳ?!

— Ана, ойижон, кўрдингизми, бировнинг боласи бўлса ҳам, ачинапсиз. Демак, Сарварнинг ота-онаси ҳам ўғилларининг ёлғизланиб қолишидан куйиниб ярашиб олишади... Тўғри қилибмизми?!

\* \* \*

— Мени, эртага суянган тоғим бўласан, деб эркалайсиз-а, дадажон...

— Ҳа, ўғлим.

— Унда нега сиз бобомни асо суянтириб қўйибсиз?

\* \* \*

Бобурнинг таржимаи ҳолини ўқигансиз-а, ойижон.

— Албатта, нимайди?

— Мен ҳам бир кун келиб буюк одам бўлишни, сизни эса оқила, доно аёл дея тан олишларини жуда истайман. Худди Бобурнинг онасидек...

- Мен мактабимиз директорини ёмон кўраман.
- Нега ахир?
- “Дарсни бузиш мумкин эмас”, дея такрор-такрор айтадилар-у, ўзлари хоҳлаган пайтларида синфимизга кириб, ҳатто “ўзларинг ўқиб туринглар...” деб муаллимамизни эргаштириб ҳам кетадилар...

*Ватан жоним,  
Жон томиримсан!*

**Бадий публицистика**



## ВАТАН АХИР БИТТА БУТУН ДУНЁДА

...Ватан сахроингда унган янтоқ ҳам, кечиб кетолмайди сенинг меҳрингдан. Илдизларни отиб бағринг тўрига чўли биёбонни айлайди макон. Дашту ёвонингда жиловсиз шамол минг бир тўфонларга этсада дучор, янтоқ ҳар баҳорда кўклайверади, пушти гуллар айтиб шаънингга ашъор. Баски, баски мен болангман, битта тирноғинг, биттагина зарранг, битта урвоғинг жону таним пайванд шу ер, шу кўкка. Аждодларим ётар кўксингда ухлаб, болам улғаяди бағрингда ўйнаб. Сурурлардан тўлган ҳайратим ўзинг, ҳар нелардан ноёб шавкатим ўзинг. Баҳоринг меники, кўзинг меники, чаппар уриб гулга кирган боғларинг, сувга зор анҳоринг, қўлинг меники. Борингча суяман қурбонлар бўлиб, ўзингдан кўрганим меҳрдан тўлиб. Бу ҳисни туймаган кўнгил бегона. Ахир Ватан битта бутун дунёда...

...1999 йилнинг 17 феввали... Ўша куни тонг саҳарда бир олам яхши ниятлар, илк китобимнинг ташвишлари билан Тошкент темир йўл вокзалига бориб тушдим. шу заҳотиёқ совуқ хабардан бутун вужудим жунжикиб кетди... Қабохатнинг ҳазридан одамларнинг нигоҳларида ташвиш, маҳзунлик, диллар пора. Ҳамманинг тилида лаънат: Икки дунёси хор бўлсин ватанфуриш, кўрнамакларни... Қандайдир аламли куч мени пойтахтнинг юраги Мустақиллик майдони томон етаклади. Во дариғо, Ватанимнинг, халқимнинг энг хуш онларига ошиён бўлгувчи Мустақиллик майдонида разолатнинг излари сочилиб ётарди... Йиғлаб юбордим кўчаларингда ўша куни пойтахти азим. Фо-

жиа доғларини кўрган кўзларим қақшарди, юрагим қон-қон бўлиб бўзларди... Талабаликдек олтин давримнинг энг суюкли масканига айланган Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасига яқинлашим билан аччиқ фарёд бўғзимга тиқилгандай бўлди. Илму урфон гўшасининг ойналари чил-чил синган. китоблар чанг тўзонда, нурхона аҳли ҳар бир рисо-лани пуф-пуфлаб, супур-сидир, йиғиштириш иш-лари билан банд эди...

...16 февраль воқеалари юракларда ўчмас алам қолдирди, доғ қолдирди. Бу кўргулик оташларга йўғрилган хурлик нафаси, юртбошимизнинг Ватан, миллат келажагига ишончидан, хуррам кунларимизнинг саодатидан хушвақт дилларни яралаб ўтди. Қалблар жунбушга келди. Онажон тупроғимизга, шу диёрнинг беназир сарбонига, мамлакатдаги одилона сиёсат, Ўзбекистоннинг кундан кун яшнаётган кўрку жамолига ҳасад билан тош отганларга тавқи лаънатлар ёғилади. Шаҳид кетганларнинг чирқиллаган руҳи, жон жигарлари айрилиғидан чирқиллаган фарёдлар ул нокасларни омон қўймагай. Аҳли мусулмон, аҳли жаҳон қоралади, қарғади ул қабиҳ кимсаларни...

...Йўқ! Ватанни қонга бўяб ҳукмронлик қилмоқчи бўлганларга бериб қўймаймиз. Зотан, Ватанни вайрон этиб суймаслар, халқини таъқиб этиб эл бўлолмаслар, покиза қарашларни заҳарлаб ўзларига тахту равон ясамаслар. - дея ҳайқиргим келди бор овозим билан...

Онажоним Ўзбекистон менинг юрагимда уйғонган армон доғланиблар бўзлаганим сенинг кўксингга отилган биргина тигнинг заҳри, кўрганим ўша мудҳиш куннинг битмас азиятлари холос... Эҳ-ҳе ўтмишнинг битиклари не-не қонли кунлар, қурбонлар, аламу армонларнинг чизгилари бор... Бугун вайроналар тикланди, азоблар унут бўлаёзгандай, ўғир-

ланган ҳаволатлар осойиш топди... Ўша қирғинбарот урушлардан толганингда ҳам, қаҳатчиликдан ранглар сарғайганда ҳам, қатағон йиллари бошингда қузгунлар чарх урганда ҳам, дориламон давронларингда ҳам Сен ўша мўътабар ошиён Ватанлигингча қолдинг, қолгайсан...

...Бир қаламкаш қизинг бўлиб, таърифингга сўз изладим, юракдагин кўчириб беролмади ҳеч бир қиёс. Сўзлардан Буюксан. Улуғладим минг хислатни, лекин Ватанни иймон ила суймоқдан улуғроқ улуғлик кўрмадим... Қуёшнинг бошимдан нур сочар ҳар тонг, шаббонлар силаб ўтар сочимни. Ватан кучоғингда омондир бошим, замин ўпиб турар товонларимни... Узилсам шу ердан борим куяди, боримни титкилаб орим куяди... Оҳ Ватан жон берсам жонингга жойла. Жонингдан эркалаб жой берганларинг, армонлари бўлмас икки дунёда... Ватан тупроғига зорлик олдида, армон-армонларнинг бариси ёлғон...

### *Кўнгул дафтари туркумидан*

## **ДАВЛАТИМ ЙЎҚ СИЗДАН ЗИЁДА**

**Онажоним Саломат Шерназар қизи  
сувратига чизгилар**

...Онажоним, мунисгинам, ҳеч қандайин тарозидан тортиб бўлмас, ҳеч қандайин ташбиҳларда таърифин келтириб бўлмас давлатим, бошимдаги паноҳим кўрғонимсиз... Менинг камолим учун муштдеккина жонини мингларга бўлиб, ҳар чоғ иқболини қурбонлар бўлиб авайлаб асрашга ҳозирим онам. Оҳ онажон, кошки бу ожизгина қаламимнинг кучи етса



Сизнинг сувратингизни қоғозларга кўчирмоқликка. Наинки бу ношуд қаламим, ҳазрати Сўз ҳам ожиздир она юрагини бус-бутун бори билан акс эттира олмоқликка. Балким қодир эгам ҳам оналик қалбига мўъжизакор муҳаббат туйғусини жо этиб ҳеч недан қиёс тополмагандир бу хилхат қаршисида ва пайгамбаримизда имон келтириб демиш жаннат оналар оёғин остида”...

...Мен биламан волидаи муҳтарамам, сиз ҳеч қачон юрагимни тилимлаб, ўзингизга атаб нелардир битмоғимни сўрамайсиз... Шеърларимни тинглаб, ҳаяжонларимни ҳис этиб, китобимни варақлаб суюнасизу қизганиб кетасиз мени қоғозу қаламимдан ҳам аягингиз келаверар ширин жонимни, ҳаловат тутгингиз келар қалбгинамга қўш қўллаб... Мен эса ҳар лаҳза тан олавераман: Сизга менинг омонлигим, тинчим, бахтиёрлигимдан бошқа ҳеч қандай бахт керак эмас! Дарвозадан тўлиб, тўлишиб, кулиб кириб бормасам қўлимдаги ҳар қандайин тухфалар бекор, дилингизни овламоққа уринган сўзларим ёлгон, қувонч улашолмас юз бир обрў эътиборим ҳам... Оҳ онагинам кези келса жонимдан узилган болаларим ҳам қўлимга қарайди кўчадан келсам. Дўстларим оқибат кўрсатмоқ бўлар қилган хизматларимга, қўниқўшни ёру биродар иззатимни қилар қилганимга яраша... Дунёда фақат Сизгина ғуборсиз тикиласиз нигоҳларимга ва бу боқишларда ҳеч қандайин ранг йўқдир энг тоза меҳрдан бошқа... Онажоним, мен кулмай кўзлари кулмаган онам, мен бўлмай уйи ҳеч тўлмаган онам, шодлик бўлолмайин шу қароқларга, мақтал интизоримни ёниб-ёниб яшаётган бу оввора дунёим аслида ҳеч не сизнинг кўзларингиз, сизнинг сўзларингиз, титроқ бармоқларингизни тавофлар этиб, бир бора дийдорингизга қонмоқ олдида... На қилай онажон, тирикликнинг юки оғирдан оғир. Аёл-

ликнинг шу ташвишлари билан қоришиб яшамасам ҳам Сизнинг кўнглингиз осойиш топмас. Балки шу ўйга суяниб яшарман кунлар ҳафталарки сиз томон ошиқмай. Саргардон дунёга куйиб, кўникиб... Эрталарга қолдиравераман сизга интиқ соғинларимни... Эҳ ёлғончи дунё, бағринг бунчалар қаттиқ, мен эса эргашавераман сенинг ортингдан... Бугун ёзмасам бўлмайди... Эртага тополмайман қаҳрамонимни... бугун ювилмаса қолиб кетар кир... бир кун қозон қайнамаса барака кетиб қолар уйимдан... Ипсиз, тўрсиз йўлларим боғлиқ... Оҳ онажонимиз, юрагим ачишиб кетар ўйласам, Сизнинг меҳрингизни индинларга қумсаб борсам ҳам оғринмайсиз, сира-сира кечикмаймана... Гард юқтиргингиз келмайди бу жонсарақ ишпараст қизингизнинг мудроқ кўнглига. Жон онама оғриниблар уйғотинг мени, куч топайин Сиз деганда кечиб кетмоқликка бору йўғимдан... Дунёларнинг ташвишларин олиб кетган, меҳрим чопиб ўзимдан ҳам олдин етган, онажоним дийдорингиз ҳада этган ўшал дамни энг гўзал куним деб умримга ёзай... Сизни кўтариб юрган ўша тор йўлакларни, бошингизга соя бўлган мажнунтолнинг кокилларини, чапак чалиб дилингизни эркалаган теракларнинг япроқларини кўзларимга суртай. Сизга ошно бўлгани учун... Оҳ онажонима, кўприк мисол меҳр узатасиз дилбандларингиз кўнгилларидан бир-бирига ришталар боғлаб, бир ришталарким, қон билан улашган, жон билан улашган, насаб бош кўтарар бу ришталарда. Ўзини суйган, ўзиникини қадрлаган, қадрлагай миллатини ҳам, ярар бир кун Ватан корига...

...Онажоним сувратингиз чизмоқ бўлиб шайланган дамим руҳим покланар, юрагимдан сим-сим оқар қоғозга меҳр. Омон-омон кўтариб юрмоққа қарздор сезавераман борингиздан яралган вужудимдаги бу омонат жонни. Саждалар қиламан оллоҳнинг кенг

карамига онаизоримга сиҳатлик бер, умр берай бир фақир қулингман, қулинг бўлайин... Бағри бутунлигим онам, давлатим йўқ, бўлмагай ҳеч Сиздан зийда...

## СОҚЧИ ҚИЛГИН ЮРАГИНГНИ ШУ ОППОҚ, ТОНГЛАР УЧУН...

(б а д и а)

Буюк Ғалаба - қип-қизил қон устида отган тонг бу... Сени дея не-не жонлар кетди... Миллионларга армон бўлган онлар кетди. Безатиглик гўшангалар қолди бўзлаб, Ўзбекистон қолди минглаб ўғлин излаб...

Буюк Ғалаба - сен норғул ўғлонларнинг етим қолган орзуларин дояси. Ёзилмаган мактублари, айтолмаган қўшиқлари, зурриёдин бир бора кўролмаган қароқлари, сочларини силамаган қўллари, чимилдиққа кириб кетган, киролмаган бўйлари... Она замин соғинчини юрагида олиб кетган, бир сиқим юрт тупроғига қоришмаган ҳоклари... Ғалаба сен шундайин армонни ўзинг ила олиб юрибсан. Сенга етган жонга унсиз шивирлайди тонглари... Бу кунларнинг ҳар бир они ғалаба... Тинчлик деган масрур номи Ғалаба... Аламларни, армонларни менинг кўксимдан изла, бу кунларга шукрона айт, кипригингла авайла... Соқчи қилгин юрагингни шундай оппоқ тонгларга, маҳкам боғла белбоғингни истиқлолли онларга...

Буюк Ғалаба - Сен фарзандни кута-кута толиқмаган онаизорнинг кўзидаги нур. Унга дунё дунё бўлмадику сенингсиз, Сен деб кетган Тинчлик отлиғ нурингсиз. Аёл бўлиб ўз ҳуснига термулмади бир

бора. Куну туни қолиб кетди далаларнинг қўйнида. Мудом қўллар қаварди-ю, товонлари бўлди қон, нозик қадди минг азобда қоврилдику ҳар сахар - Сенинг йўлларингда, Сен келар йўлларда... Бу йўлларни ҳамон у - садоқатни тож қилиб кийган аёл супуриб яшайди. Тинчлик йўлларини, омонлик йўлларини...

Менга сўйлар эдилар: “Қишлоқларда битта ота йўқ эди. Кўнгиллар кемтик эди... “Сени олиб келмоққа кетганди улар... Эндигина тили чиққан гўдакларнинг каломида бир калима минг бора такрорланарди... Отам Ғалабани олиб келади... Акам Ғалабани олиб келади... Муштипар жонларга ота эди - Ғалаба, ака эди - Ғалаба, суюкли ёр, тоғдек суянч ўғил эди Ғалаба... Болалар алданмади сени олиб келди оталар, лек сени дея толиб келди оталар. Кимдир қўлтиқтаёқда азобланди бир умр, кимнидир азоблади танасида қолган ўқ, кимдир қўлсиз, оёқсиз, кимнидир кўзи ожиз. Улар уруш даҳшатин ўзила олиб юрди. Мудроқ дилга ҳар лаҳза бир титроқ солиб юрди.

Миллионларнинг шукронаси бўлиб қолдинг Ғалаба: “Толиб келдик номи ўчмайди, отамнинг, акамнинг, укамнинг”. Шу туйғуни асо қилиб кимлар яшаб ўтяпти. Сенинг музаффар шонинг шундай суянч бўлаяпти... Ўзбекистон юрагини доғлаб кетди бу уруш, шафоатли кунларини боғлаб кетди бу уруш... Бугун минг бор таъзим айлаб эгилармиз борингга, не тонг голиб авлодимиз шерик сенинг орингга. Тинчлик деган шиорингни кўнглимизга жойлаймиз. Ғалабани доим Буюк, доим Буюк атаймиз.

## ЯНГИ АСР КЕЛАЁТИР

(назмий наср)

...Юраклар нимагадир интизор. Шундай бир тонг отадики, кўнгиллардаги бор губорни ювиб кетади. Ўшал саҳар эсанг насимлар, ўшал қутлуғ шаббодалар нафасига тўкилиблар, баримни очиб шивирлайман қалбимдан орзиқиб халқим пойингга бошимни кўйиб:

Биттагина тирноғингман, бир калима сўзингман,  
Қоронгингда асраганинг худди сенинг ўзингман,  
Титраб турса армонларинг доғланиблар тўлғонган,  
Юрагингни қонларидан яралган бир қизингман.  
Халқим, янги аср келар кўз ёшларингни артиб,  
Кучоғинг оч бу дунёнинг ташвишларидан ортиб.

...Йиллар ёзилди тарихнинг зарварағига. Бутун бир аср ўтди. Эшигингни алам очди, ғам чертди, армон юлқилади орзуларингни, умидларингни XX аср кўлинггаги “оқ” кишанларни ирғитгандай бўлиб, “қизил” кишанларни солиб кўйгани бармоқларинггача зирқираб кетгандагина оғриқ билан, вужудинггаги минг бир тигларнинг захридан озорланиб ҳис қилдинг, сесканиб, зийракланиб уйғониб кетдинг... Ортингга қараб чеккан оҳларингдан борар манзилларингга чироқлар ёқилгандай бўлди. Оҳларингда сенинг қаддингни кўтармоқ бўлган асримиз бошидаёқ “Ҳақ олинур берилмас” дея халқ эрки ва мустақиллиги учун курашган М.Бехбудийлар, “Чигатой гурунги” тўгарағига раҳбарлик қилиб “...Мен ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар негиз тутмас...” деган фикрни “Тонг” журналининг биринчи сонига олиб чи-

қиб, эл кўзини очишни олий бурч деб ҳисоблаган  
Фитратлар, Чўлпон, Сўфизода, Элбек, Мунаввар  
қори, Ҳожи Мўин, А.Авлоний, А.Қодирий каби  
ўнлаб забардаст ўғлонларингнинг муборак руҳи бор  
эди...

Кучоғингни оч, умидларинг ниш урсинлар қайта-  
дан,  
Йўқотганинг топмоқ бўлгин майли эрта-эртадан,  
Ўтовларинг чироғини ўчирмайин ҳар нокас,  
Халқим, оппоқ кундузларнинг этакларидан ўпиб,  
Бир ниятлик тилай борим, борлиқларимни тўкиб.

...Ўзбекнинг ўзлигини, миллат гурурини улуғла-  
моқ, туйғуси асл фарзандларингнинг орзу ўйларида  
яшамоқда эди. 30-йилларга келиб бир вақтлар “Мил-  
лий истиқлол”, “Миллий иттиҳод” ташкилотларига  
дахлдор элнинг “гули” бўлган зиёлийларга қарши  
қирғин авжига чиқди. Эй воҳким, “янги ҳаёт” барпо  
этилажагига ишонган халқим, ҳассос шоиримиз  
“...қаерда эдинг...” дея ўкинганларидек яна ғафлатда  
қолдинг. Армонларнинг қонли чизгиларида ҳамни-  
ятсиз, ҳамжиҳатсизлигининг излари қалқиб чиқа-  
ди... Жозибадор ўзбекона забонинг сиқилди, дўппи-  
ларинг токчада қолди, “иболар ортидан эргашиб  
юрувчи” қизларингнинг этаклари қирқилди, ҳатто  
калимаи шаҳодатингни ўйлаб қайтарадиган бўлдинг  
аждодларингнинг чироғи хира тортиб қолди...

Бир ниятлик тилай, бир бўл жоним тутдай тўкил-  
ма,  
Ўзинг бўғиб ўзлигингга мажруҳ бўлиб эгилма.  
Не ўғлонлар ғаминг бўлди, гўшангада куйдику  
бахт,  
Кўзларинг оч хатоларинг етар энди қоқилма,

Халқим янги аср келар, ўзингга бер сарҳисоб,  
Умр ахир шамол эмас, ҳаёт ўзи бир китоб.

...Мўтабар минбарлардан ҳақ сўзни айтиш имкони чекланди. Кўз бўямачилик, қўшиб ёзиш, юлғичлик каби иллатлар етмишинчи йилларга турғунлик даври деб аталувчи замонга келиб суяк-суягингни зирқиратиб юборди. Ана шу оғриқлар билан онажон халқим “пахта иши”, “ўзбеклар иши”ни ҳам бошингдан кечирдинг, сочингдаги оқ толалар гуноҳ бўлди, гуноҳингга илтифотинг гувоҳ бўлди. Ҳизматларинг бир кун келиб эй воҳ бўлди... меванг ширин, пахтадан бебаҳо, зулукдаин симирдилар сени эзиб... чигитлардан, толалардан заҳар томди, илончалар ўрмалади ҳар эгатда... атлас кийган қизларингнинг юзи сариғ, сариқ юзга термулгандан еринг ориқ... Ҳар қандаин сабр косаси ҳам бир кун тўлади, тўкилади... қалбингда уйғонган эркинлик соғинчи, Истиқлол деб аталмиш буюк неъматни ҳадя этди. Туйғуларинг бош кўтарди. Ҳурлик наъшидаси эркин ижодий меҳнат даричаларини очди. Надоматким, мустақиллигингни кўролмайдиган, нурли манзилларингга соя ташлашга орланмаётган ватанфурушлар аламзадалик билан юрагингга заҳарли наштар санчиш йўлларини излаб қолишди. 1999 йил 16 февраль, ўтган йили Сурхондарё воқеалари... бағрингдаги фарзандларинг фикри ўйларига ҳам қабиҳона қармоқларини ташлаган эди... Лекин бу ниятлар пуч эканига жумлаи жаҳон гувоҳ бўлди. Юртбошимиз катта ақлу заковат билан Ўзбекистон болалари менинг болам деб, ҳеч кимга бермасман оқу қорам деб бағрикенглик билан одилана сиёсат юритаётир... Баски, келажагингни асра. Янги асринг ҳаётинг китобига зарҳал ҳарфлар, эзгуликлар билан битилсин... Тани, руҳи соғлом бўлсин болаларингни...

...Умр ахир шамол эмас, ҳар жони елдайн ўтса,  
Ёки устун бўлмоқ, учун инсонлигидан кечса,  
Ватан қайда қолар ахир, юрт тупроғи не бўлар,  
Она сути чирқилласа, бешик қўрғондан кўчса.  
Халқим, янги аср келар янги дунё орқалаб,  
Ҳар дилбандинг уйғот элим, ниятларини поклаб.

2001 йил.

## **СЕНДА ИШОНЧЛАРНИНГ ҲАҚҚИ БОР, ЁШЛИК**

Болалик талпинар ўсмирлик томон,  
Чиранар, билагин шимармоқ бўлиб,  
Буви интиқ кутар набирасини,  
Кексалик дардини унутмоқ бўлиб.  
Оҳ, ЁШЛИК, умрнинг ҳаққи бор СЕНДА,  
Ҳаётнинг гул ҳиди, шавқи бор СЕНДА.

...Тириклик неъматини - яратганнинг бандасига омонати, синови. Ким қайси йўлдан боради. Кимнинг ортида нималар қолади. Куни келиб уни қандай хотирлайдилар... Назаримда вақт деган олий ҳакам кўрса-тиб берувчи бу ойина - умр ойинаси ана шу тириклик деган омонатга муносабат билан баҳоланади. Кимдир хиёнат қилади бу омонатга, сабр-қаноатнинг юзларига оёқ қўяди, яшамоқнинг маънисини - ҳузур ҳаловат деб билиб равон йўллар қидиради, тополмадими қинғир кўчалардан малҳам излайди. Яна кимлардир имтиҳон бераётгандек ҳар соғина сергаклик билан яшайди. Имон, эътиқод, меҳнат аталмиш олий зийнатга суянади. Қисмат кўргуликларини тириклик синовлари дея қабул қилади... Назаримда ҳаётга



қарашларнинг, шу маносабатларнинг шакллана бошлайдиган умр бекати бордек. Бу инсоннинг болаликдан елиб-югуриб етиб олгани ўсмирлик, куч-қуввати жўшиб, ҳис-туйғулари жунбушга келган даври Ёшлиқдир. Ёшлиқ ҳаётнинг қиёссиз, кези келганда дунёларни алмашиб ҳам топиб бўлмас баҳосиз палласи. Айни пайтда ёшлиқ умрнинг эргашувчан фасли ҳамдир. Президентимиз Ислон Каримов 2001 йил февралида “Камолот” ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувида сўзлаган нутқида “етаклаш” сўзини алоҳида таъкидлаганида жон бор. Чунки, шу ёшида инсон юрагидаги ёниб турган ҳароратдан бир парча ўтга айланади-ю, ўзини мустақил фикрловчи эркин, “катта”, гурурли, сўзида қайтмас шахсдай тута бошлайди. Ғоялар ортидан эргашиб “дардини” баъзан тан олиб, олмайди. шу йўсин инсон ўзининг ҳақиқий ҳаёт йўлига кириб боради. Унинг тўғри йўл танлаши ёхуд ўзлигини йўқотиб аросатда қолиши эса муҳит, жамият ва айни пайтда катталарнинг масъуллиги билан чамбарчас боғлиқ кетган...

Ўтган яқин ва узоқ йиллар бағридан Ёшлиқ суврат ва сийрати мавқеини қидира бошлайман... Ёшлиқнинг куч-қуввати замонларнинг қон томирига уланади. Эҳ ёшлиқ, эссиз ёшлиқ шу етаклаш ортидан балоларга гирифтор бўлган ўз боғидан, қут-барака қўрғонидан, жондайин жондошидан, “воҳ” деса қирқ томири титраб турган қондошидан, ўз уйи ўлан тўшаги бағридан узилиблар сарғайиб ҳазон бўлган Ёшлигим. Етакчиси ортидан ўз юрти, “болам” деганда бир жони минг узилиб бу дунёдан фақат оналикнинг бахту азобини симириб ўтаётган онаизорини, хаёллардан яралган, иболари қучоғида кўз очган гулчехра ёрини, “отам” деёлмайин болалиги зардоб бўлган дилпораси юрагини яралади айрим вакилла-

ринг. Афғон уруши ўқларига қалқон бўлган Ёшлигим, заҳматлардан оқарган далаларида оқ пахтаси армон бўлган Ёшлигим. Совет Армияси сени дунёнинг қай бурчакларига йўлламади. Қурилишларнинг асл бунёдкорларига айландику ўзбек ўғлонлари. БАМда ўтган, Сибир ўрмонларида дардман бўлган Ёшлигим. Гулдек қоматлари эгатларга эгила-эгила матолари камёб бўлган Ёшлигим. Ёшлик қувватини тан олди симири давронлар, лекин қалбини ҳеч ким кўрмади, кўролмади...

Ёшлик - ғайрат бўлдинг замин кўкарди,  
Ёшлик - олов бўлдинг замон кўтарди,  
Орзуинг, армонинг сўйладингми айт?  
Кўлингдан, йўлингдан кимдир тутарди.  
Оҳ, Ёшлик, бугуннинг ҳаққи бор СЕНДА,  
Ҳаяжон, ҳайратнинг завқи бор СЕНДА.

...бугун ота юртим - Ўзбекистон ёшларига ҳавасланиб, юрак-юрагимдан шукроналар айтиб боқаман. Жумлаи жаҳон Сенга ҳавас қилаётганини сезаяпсанми?.. Яна қувонаманки, Сенинг қадринг тан олинди, қалбингни тинглайди замон. Сен ҳақингда ўйлаб келажинг ҳақида қайғурувчи “Элнинг болалари менинг болам деб, Ҳеч кимга бермасман оқу қорам” деб бағрига босувчи юртбошинг бор. Сен яшамоқ деган бахтнинг маъносини англаяпсан. Ҳақ, тўғри йўлингни кўра олаяпсан. Ўзингдаги қувватинг, ақлу шуурингни пешлашга ўрганаяпсан. Фақат илм ва меҳнат билан олий мақсадга эриша олиш мумкинлигини юрак-юрагингдан тушуниб етаяпсан. Тунлари мижжа қоқмай китоб варақлашингда мен ана шу бахтни кўраман. Устозингни билими ва оқибатли, камтар ва доно инсон эканлиги учун қадрлаётганинга дунёнинг инсоний фазилатлар билан улғаяётганини

ҳис этиб шодланаман. Дилгинангдаги қарздорлик туйғуси менга ҳузур бахш этади. Сен бугун ҳуқуқ ва бурчларингни англаяпсан. Мактаб аталмиш қутлуғ оstonаларда қомусимиз бандма-банд шарҳланяпти... Надоматларким, Сенинг шундайин оташ даврингда айрим тенгдошларинг енгил-елпи умргузаронлик қилиш, ҳузур ҳаловатда ҳаёт кечириш йўлларига кириб қолаяптилар. Яқиндагина пойтахтимизда бўлиб ўтган ёшлар масалаларига бағишланган йиғилиш ва унда юртбошимиз сўзлаган нутқининг ҳар бир калимасида СЕН тўғрингда қайғурмоқ - ана шу “баъзи”ларнинг ғами уфуриб турибди. Демакки, ёшларнинг эркин дадил айнаи пайтда тўғри йўлдан қадам ташлашлари юрт, келажак бахти. “Камолот” фаолиятини жонлантирмоқ, уни ёшларнинг дарду дунёси билан сирлаша олгувчи ижтимоий ҳаракатга айлантирмоқ давр талаби, бугуннинг долзарб вазифаси даражасига кўтарилди. ЁШЛИК бу эътибор Сенга меҳру муҳаббат, бир қанотли ишонч бўлмоғи керак. Зотан ҳеч бир эзгу иш шарофатли даъват замини замонда ўз баҳосини олмай қолмас.

Муҳаббатни ўпгин, кўзларингга сурт,  
Ватан бўлолмагай бундан зиёда,  
Миллат гурурини кафтгинангда тут,  
Ўзбекистон битта бутун дунёда.  
Оҳ ЁШЛИК, ишончлар ҳаққи бор СЕНДА,  
Ўзбекнинг қудрати, нақли бор СЕНДА.

## ХАЙРЛАШУВ

### ёки меҳру оқибатга насрий қасида

...Боғчанинг муҳташам зали меҳмонлар билан гавжум. Саҳнада қадрдон гўшалари билан хайрлашаётган етти ёшлилар. Тарбиячи Нина Никифировна сўнги сўз оларкан, ҳаяжонларини яширолмай киприклари намини артмоқ бўлади:

Сўзломмайман сўзларимда ёш,  
Кулай десам қўзларимда ёш,  
Хайрлашмоқ бунчалар оғир  
Сизла кетар мендан ётти ёш.

...Худди кечагидек ёдимда, мурғаккина жигаргўшамни минг бир ўйла орқамга қарай-қарай боғчага қолдириб кетганим. Хотирамда: ўшанда бу даргоҳнинг поёндозларини ҳам, йўлакларини ҳам эҳтиётла авайлаб босганларим. Вужудимда титроқ ила эшигини ҳам оҳистагина ёпиб қўйганим... Ҳар саҳар қучоғимда эркаланиб уйғонган қизимни юз бора овутиб ўзга аёл қучоғига элтиб берганларим... Ўшанда болам менга ёпишар, мен эса тарбиячи опанинг кўзларидан, юзларидан, қўлларидан, бармоқларидан, сўзларидан дилбандимга меҳр излардим, осойиш қидирардим. Боғчанинг ҳовлисидаги дов-дарахтлардан, ўтўланлардан, гунчалардан, гунчаларга парвона қушчалардан овунч тилардим, ҳайрат сўрардим... Ишда ҳам ҳаёлларим фаромуш, қўлга қоғоз олишим билан ортимдан жовдираб қолган қизалоғимнинг талпинишлари сатрларимни чалкаштириб юборганлари... Кунларим чўзилгандан чўзилиб кетар, ошиққанам сари вақт имилларди...

Фурсат ҳакам дейдилар. Кун келиб қизалоғим ўйноқлаб “тётя”си томон югурадиган, дам олиш кунлари ҳам боғчасини сўроқлайдиган, кўзларини яшнатадиган ғунчани меҳр билан боғча опасига атайдиган бўлди. Шундагина кўнглим таскин топди. Гўдагимнинг шу ошиёнда беғубор меҳр топгани бу гўшага энг тоза муҳаббат боғлаганидан роҳатландим. Шундагина боғча даричасидан шошиб хайрлашганча ичкарига суюниб кириб кетаётган қизчамни сархуш кузатганча хотиржам ишга отландим. Ҳар саҳарки сизни алқадим, дил-дилимдан иззатладим фарзандимнинг “Энг яхши опа”си. Дерларки: “Унинг касби шу”. Мен эса бу фазилатингизни улуғлик деб атадим. Негаки, меҳрни фақатгина вазифа билан ином этиб бўлмас. Фидойиликла улғайтирмоқ мумкин бу туйғуни...

Аёлнинг орқаси тинч бўлсин экан. Унинг орқаси аввало болалари эмасми? Иш, ёзув-чизув, рўзгорнинг кўз илғамас икир-чикирларидан ортиб боламини бағримга босганимда, сездимки у анчагина зукко, чечан, диду фаросатли бўлиб қолибди. Нозиккина бармоқлари билан сочларимни тўғриларкан, эгни бошимга кўз югуртиришга ҳам улгурди. Шунда мен онанинг камларимни тўлдирганингиз, қизимга мен бера олмаган энг гўзал фазилатлар улаша олганингиз учун сизга қуллуқ қилдим мумтоз мураббия! Мен ишпараст зотки, фикру илмимнинг, жисму ақлим кучини “кўча”га сарф этиб, уйга толиқиб қайтганимда қарашлари чанқоқ зурриёдимнинг юз саволидан бирига жавоб бера олдиммикан? Унинг ёниқ ҳаяжонларига қанот боғлай олдимми? Сизки умрингизнинг энг залварли дақиқаларини менинг елкамдан “соқит” қилган ана шу бурчни адо этмоқ учун сарф этибсизки, бугун фарзандимнинг фикрлари ўткир, шууридан нур ёғилади... Бу бебаҳо заҳматли

меҳнатингга таъриф таҳсинига лойиқ мукофот бор-  
микан, дунёда!

Аёлнинг умри фарзанди учун фидойиликдан иборат эканлиги чин. Аммо бу фидойилик гоҳи жуда-жуда камлик қилади. Бу кемтиклик эса фарзандларимизнинг келажагига бориб санчилиши тайин. Дилбандларимиз қалбидан жой олган митти нуқсон ҳам уни ҳаёт сўқмоқларида довдиратиб қўйиши аниқ. Шунда яна сизга топиндим. Қизалоғимнинг чулдираб ҳақлику ноҳақлик ҳақида талашганида, қоқилган тенгдошига мадад бўлиб қўл чўзганида, эзилган ниҳолга жовдираб ачиниб қараганида сизнинг эзгуликларга етакловчи мунис қиёфангизни кўргандай бўлдим... Гарчи сизнинг тилингиз, динингиз бошқа. Лекин буда бизга бир хосиятли инъом бўлди. Сизнинг маданиятингиз туриш-турмушингиз билан менинг рўзгор тутишимдаги ҳатти-ҳаракатларим уйғунлашди. Қизим гоҳи менинг ишларимдан кўнгли тўлмаса, “тётям ундай қиларди, тётям бундай қиларди...” дея хатойимни ўчирди. Фарзандимнинг бундай дилбар фазилатларни ўзида жамлагани, камоли инсон бўлишида ўқуви калом ўргатганингиз учун сиздан бир умр қарздорман!..

Мен, онаки, беш-олти йил шунчалар болажонимни сизга ишончи ихтиёр ила топширибманки, дилимда бугун орзиқиш ила хижиллик сезаман. Қаранга, боламда нега қизиқишу лаёқат бор мендан олдин сиз англабсиз. Ундаги яширин дардни сиздан эшитиб огоҳ бўлибман. Қизимдан илк бора сиз ўргатган шеърни эшитиб ҳаяжонга тушибман...

Хайрлашув кечасида кўзларингиз, дилингиздаги ҳижрон захрини яшириб узук-юлуқ сўзладингиз. Сизнинг юрагингиздаги бу титроқ менга ўтди. Сизу мендаги бу ҳаяжон, махзунликни мурғаккина хаёлати билан ҳис этибми, саҳнани гир айланиб рақс

тушаётган қизалоғимнинг ҳам шаҳло кўзларида ёш айланди.

Ўша куни болажонлар учун суюкли неъматлардан дастурхон безалди. Уларни қучиб суратларга тушдингиз. Столларни гир айланиб, ҳар бир ўғил-қизингиз билан “уни еяқол, буни еяқол, Хулкар сен пишириқларни яхши кўрардинг, Андрей бу музқаймоқни бир татиб кўр...” дея қисталашларингиз полопонларини олис юртга учирма қилаётган она қушларнинг ҳолатиданда гўзалроқ, ҳароратлироқ эди.

...Ўша куни сиз билан шундай кузатдингиз. “Укаларингни олиб келсанг, бирров олдимга кириб кет...” дея қизимни маҳкам қучиб бағрингизга босдингиз. Рости гарчанд бу кунни интиқ кутган бўлсада қизим ўша куни уйга маҳзун кириб келди шу пешинда. Кун бўйи сиз ҳадя қилган ўқувчилар сумкасини у ёқдан бу ёққа кўтариб юрди. Не кўз билан кўрайки... тунда ҳам у сумкасининг тутқичидан ушлаганча ухлаб қолганди. Биз унга атаб сал олдинроқ сумка танлаб олгандик. Қизим эса биринчи сентябрғача сиз ҳадя этган сумкани ўқув қуроллари билан тўлдирди. “Бу сумкага тётям бешларни яшириб қўйган...” у деярли ҳар куни неча бор такрорларди бу сўзларни...

...Мана қизалоғим ўқувчи бўлди. Юмушларимга юмуш қўшилди. Бир тонг ташвишларнинг ортидан ивирсиб юрганымда дилбандимнинг илтижоси юрагимни тўлдириб юборди: “Аяжон, бугун мактабдан чиқиб биргина боғчамга бориб келай. Шундай тётямни соғиниб кетдимки...”...Мен сиз муҳтарам мураббиялар аҳлининг шаънига лойиқ сўзлар тополмай қаламим ожиз эди. Наздимда қизимнинг кўнглидаги бу беғубор соғинч, самимий эътиқод мен битмоқ бўлган қасиданинг шоҳ байти бўлди.

## ...СОЯНГДА СОЯЛАБ ЯШАЙИН

Ўғлим Сардорбекка

...Жоним болам, кўзим болам, ўзим болам. Бу ёлғончи дунёдаги топган чиним, ҳаётимнинг шамчи-роғи, бахтгинамни бутун этган шеърларимга сизмай сингган, дилгинамни эркаловчи сўзим болам. Менга атаб шеър ёзмайсиз дейсан. қалам билан юракнинг рангини қоғозларга кўчирмоққа, сўз меҳрининг суратини чизолмайин уятди, доғда... Қувончларингку асли энг гўзал байтим, ҳарорат оламан завқу шавқингдан, бағримга отилсанг дунёларнинг сурурлари пойимга тўкилиб кетар, ҳайратларингдан уйғониб кетади ҳаяжонларим...

Дилбандим, билармисан жонгинамнинг жон риштаси сенга уланган. Умримнинг маъниси мужассам унда. Кундузларим бахш айлаган ташвишларнинг тотли таъми, орзу умидларнинг ширин хаёли, оқшомларимнинг файзи, тунларимнинг осойиши, ороми сенинг билан...

Бу омонат тириклик саодат, гоҳида азобдан азоб болам. Шод кунингдада, гамингдада юрак-юрагидан суягувчинг бўлмаса хушвақтлигинг ёлғон, разолатнинг тўрларидан омон чиқмоқ, хиёнатнинг ўқларидан жон сақламоқ, хусуматдан қочиб қутилмоқнинг йўллари берк... Сен менинг шундай лаҳзаларда топингувчим, жону жаҳоним покиза дунёингга уйғунлашиб кетган, беғубор муҳаббатимдан яралган, кўкрагимнинг остида улғайганим, икки дунё орасида минг тўлғониб топганим, боримсан, борлигимсан...



Феългинанг отамга ўхшайди болам. Бағрингга бошимни қўйсам ором югуради томирларимга. Ерга меҳр қўйган кўнгилгинангни, кўчат эккан қўлларингни тавоф этгим келаверади. Бобогинангнинг ҳиди келади дўппиларингдан ва юраккинам тўлиб меҳримни соқчи этиб учиргим келади юрар йўлларингга, дуоларимга яратгандан ижобат тилайман, сен борар манзилларни супиргиси келар илтижоларимнинг... Оғамга ўхшайди, жондай жигар укамга ўхшайди дилгинанг сенинг. Кўзларимга қараб ҳолим билар бўлсанг, бир жонимга минг парвона бўлсанг, нега толай, сен ҳар лаҳза суяр бўлсанг... Имон тилайман ўзимга болам. Шукроналар айтиб нону тўзимга болам. Минг ризолар бўламан бедор ўтган тунларимга, аллақачон унутганим сен деб толган дамларимга. Бола бўлиб берган озорларингга, дийдорингга маҳтал қилган зорларингга... Оқ сутимни оппоқ нурдай оқибатга ўраганинг даста гулдай қалбгинамга тутганингга минг қуллуғай, минг шукур...

Нола қилса бу кўнгилни тан олмайман, фоний дунё ғамларидан ранг олмайман, қувватингдан ортиқ малҳам, шон олмайман, отангга ўхшамайдиёй ўзгинанг болам... Оппоқ тонгнинг этагидан ўпгим келар, юлдузларнинг ёғдусини қучгим келар, яратганнинг карами кенг худо десанг, болам сенга ёруғ кунлар тутгим келар. Эгилмасин омон бошинг ғамлардан ҳеч, остонангга йўламасин дарднинг доғи... Сулув келиб кириб келсин эшигимдан. Жон қизим деб кулиб чиқай, ойимсиз дейин, Моҳтобим дейина, чироғимни ёқувчим дейин, қизларимни йўқлагувчим, ортимдаги ишонганим ўзимсиз дейин... Шу боламнинг ори бўлинг, бори бўлинг, жон боламга жондошдайин ёр бўлсангиз бу у дунёю дунёда тинчгинам. Кулибгина ётармана қабримда ҳам дейин...

...Сардор болам, отгинангдан айланайин. Чинорим

бўл, шовуллаган боғим бўла. Давлатингман, давлатингдан айирмасин. Соянгда соялаб яшайин...

*Кўнгилга ташриф буюрдим,  
Амру имконим билан.*

## Сухбатлар



## ҲАЙРАТНИНГ КАЛИТИ - ШУКРОНАЛИКДИР

Республика маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи таниқли шоира, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Турсуной Содиқова билан суҳбат.

- *Турсуной опа, Мир Алишер Навоий - номи билан аталувчи шахримизга илк ташрифингиз экан...*

- Ихлос билан қад ростлаган ва эҳтиром ила кундан кун яшнаб бораётган Қизилқум воҳасининг фусункор гўшаси экан Навоий. Кўзларим, умидларим, ишончларим яшнаб кетди. Ҳали жуда кўп гўзал ишлар бўлади бу юртда. Покиза ниятли, юракларида бир парча ўти бор, қадамда муборак зотларнинг руҳи қўллаб тургай мансаб курсиларида ўтирганларга дейманда:

Сиз ҳар лаҳза чиллаҳоналарда ишлаётганингизни, ҳар бир ҳаракатингизни сўрови борлигини унутиб қўйманг илойим. Пири устозлар, улуғлар ўтган юрт учун жавобгар бўлмоқнинг шарофати бор. Шу боис Навоий ҳақида ёлчитиб гапира олинг. Бу Ватан ориятларини юрагингизга жойланг. Аввал ўзингизникиларга яраб олинг, сўнгра Ўзбекистонга ярагайсиз. Ҳамиша юртингизга ярашиқли бўлинг.

- *Турсуной опа, бир шеърингизда:*

*...Бу эл менга оға-сингил,*

*ёру сирдош ҳомийдир.*

*Чиним шу, қолғони, ёлғон*

*не топдим бари фонийдур,*

*Мени шу ерда бор этдинг,*

*ўларда шунда ўлдиргил!*

*дейсиз. Мен бу мисраларда Ватанга муҳаббатнинг содда ва самимий таърифини уққандай бўламан. Назаримда “Ватанни сев, Ватанни улуғла, ватанпарварлик...” каби ундовларни такрорлайвериб сийқасини чиқариб ташлайдиганга ўхшаймиз-да. “Ҳазрати аёл” ингизга сўзбоши ёзар экан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад “Турсунойнинг сўзларини лентага ёзиб олишди... Бу шоиримизни кўзидаждоду борми, мингдан ортиқ одамни сеҳрлаб қўйдими-билмадим...” дея ҳайратли хотираларни элаган эди. “Дўстлик байроғи” ҳам навийликларнинг минбари. Сизнинг номингизни ўқиб сеҳрланиб қолсалар не ажаб. Ана шу “ждоду”ла Ватан туйғусини уларнинг юракларига қандай ўтли сатрларла йўллаган бўлардингиз. Ўзингиз қайта-қайта таъкидлаганингиздек, шу юртга ярашиқли, оқибатли бўлмоқларига ундаб...*

*- Ватан ҳақида гапиришдан кўра, уни томир-томирларингиз билан туймоқ лаззатлироқдир!*

*Ватан-онанинг алласи таралган, бешигингнинг излари чизилган замин. Ўз жонидан яратгани учун ҳам Она яхши-ю ёмон боласини тишида тишлаб ўтади. Ватан ҳам ўшандай-бағри кенг. Қадамларингни кўксига қўйиб суяб яшайди сени. Осмони кўрпанг майсаси димоғингни босиб ётадиган муаттар болишингдир.*

*Пул чўнтакни тўлдиради, омад уйингни, дўст атрофингни дейдилар. Аммо юракларнинг қатларига сингиб, томирларинггача тўлиб сим-сим жон узатиб турадиган ёлғиз шу - Ватан! У - илоҳий тухфа!*

*- “Келажакни баркамол соғлом авлодлар қўлига топширайлик...” каби давлат сиёсати даражасига кўтарилган чорловларнинг ўқ илдизи инсонга она суги ила сингиб кетмоғи шарт бўлган эзгу туйғуларга бориб туташадигандек. Ҳадиси шарифлардан бирида*

шундай дейлади: “Одамларга нисбатан ёмонлигингни тўхтат, шу ўзингга садақа бўлади”. Оддийгина бўлиб туюлган ёмонликлардан ўзни тўхтата билмоқ жамиятни, келажакни тозаришидан, авлоднинг покиза дунёларга қадам ранжида этажасига порлоқ йўл эмасми аслида?! Сиз нима дейсиз?!

- Бахтсизлик, кулфат ҳеч қачон четдан келмайди, биз уни феълимиз билан ясаб оламиз.

Ишингиз ўнгидан келавермаяптими, демак, бировларга қилган бахиллигингиз учун жавоб бераяпсиз.

Уйингизга кетма-кет кулфат ёғилиб қолдими, билингки, дилозорлик қилганингиз учун қайтимини олаяпсиз.

Кимгадир қасд қилиш пайига тушдингизми, демак энг яхши кўрган болангизнинг қайсидир йўли боғланди.

Топган молингиз ўзингизга буюрмадими, аён бўлдики, уйингизга таъма, ҳаром аралашган.

Ўз манфаатингиз йўлида бировга иғво, хиёнат қилдингизми, машъум бир фожиа хонадонингиз сари юра бошлади.

Сиз бировга биргина, бошингиз билан ёмонлик қиласиз, кулфатини эса бутун оилангиз, кўпинча эса энг асраган, яхши кўрган кишингиз тортади.

Бахтнинг калити - яхшиликдир. Яхшилик қилган сари киши покланиб бораверади. Покланган сари мушкуллари осонлашиб, ниятлари ушалаверади. Умр чархпалақдир, тинмай айланаверади. Дунёдан роҳат олиб яшаш ва дунёни ҳам яшартириб қолишга шошилмоқ керақдир.

- Сиз гап орасида эшикма-эшик жиноят қилиб юрувчиларнинг тўқсон фоизи ношукур бандалар дедингиз. Сизнинг тасаввурингизда “шукрона”, “Армон” туншунчаси қандай бўй кўрсатади...

- Сиз ҳар куни остона ҳатлаб кўчага чиққанингизда, сизни кўтариб турган оёқларингиз учун шукрона айтинг. Неча йил яшасангиз шунча йил тинмай уриб турган юрагингизни кунда бир тавоф қилинг. Дилбар мусиқани сизга созанда эмас, қулогингиз чалиб бераётир. Эшитиш имкониятингиз борлиги учун Аллоҳга шукрона айтинг.

Анави шафтолининг гуллаб тургани сиз учундир, чулдираган биллур булоқлар сизни излаб келаётир.

Ҳайратнинг калити - шукронададир. Қўлингиздан кетган ҳар бир яхши нарса армондир, дунё деганлари тинмай бой беришлардан иборат. Йиглайман десаанг, йиғи кўп. Аммо ўрнингдан тур. Атрофга боқ, бағрингни тўлдириб турган бу рангин дунё эртага яна йўқликка кетади. Эндиги келадиган дақиқаларни орзулар, соғинчларга суяниб тиккаламоқ керак.

Инсонлик қисмати шу - бу ёқдан ғилдираб кириб, у ёқдан ғилдираб чиқиб кетасан, бир дам тўхташ йўқ. шугина умрга тутаб кириб, ҳамманинг кўзин ачиштириб кетиш қаёқдаю, баҳордай келиб, кўнгилларга чечаклар экиб кетиш қаёқда.

- *Турсуной она, XXI асрнинг биринчи йили "Оналар ва болалар йили" деб аталди. Фурурланмоққа ҳақлимизки, Истиқлолнинг буюк шарофати ила ер шарининг улкан харитасида Ўзлигини намоен қила олган, ўн йил наридагина Ўзбек деган миллат борлигини билмаган баъзи элу элатлар қаршисида кўкси мағрур юрт янги асрга Ўзбек Онаси ва авлодини улуғлаб кириб бораётир. Айни пайтда бу шарафнинг масъулияти ҳам ўзгача. Шу қутлуғ остонада Ўзбек оналарига қандай тилак билдирган бўлардингиз...*

- Худодан тилайманки, йигирма биринчи аср миллат аёлларини аслига қайтарувчи, аслидан ўздирувчи аср бўлсин! Ўзбек ойим, мен уддаламаган ишни сиз қилинг. Менинг бўйимдан сизники баланд бўлсин,

овозингиз адл бўлсин, ўтинаман сиздан ХХІ асрда ҳеч битта Улуғбек туғиб беринг! Ҳеч йўқ битта Беруний, битта Навоий, яна битта Тўмарис туғиб беринг! Бу тупроқлар уриб қўймасин бизни! Бу улуғларнинг руҳи суд қилмасин бизни! Ўзингизга айланнинг энди, ўзбек ойимлар!

ХХІ асрга мен шундай оҳлар билан кириб бораяпман...

- *Турсуной опа, суҳбатингиз учун самимий миннатдорчилигимизни қабул қилинг. Юртимизга хуш келибсиз! Давралар сизнинг суҳбатингиздан тўймай қолди. Ўзингиз орзу қилганингиздай “Буғдойи Сўз” бўлдингиз қалбларга. Газетхонларимиз сизнинг оилангиз ҳақида ҳам билишга қизиқишади. Мақоладан диллардаги шу саволларга ҳам жавоб излашлари шаксиз...*

- Турмуш ўртоғимнинг номлари - Турдиали. Касблари - меъмор. Худо берган тўрт нафар фарзандим бор. Ярми қизил, ярми оқ. Қизим Ирода - болалар шифокори. Соғлиқни сақлаш вазирлигида хизмат қилади. Илмий иш билан ҳам шуғулланыпти. Иқбол қизим Андижон тиллар институтида дарс беради. У ҳам илмий изланишлар олиб борапти. Ўғлим Илҳом - мусаввир. Баҳром - талаба.

## **ОДАМЛАР, АВАЙЛАНГ БИР - БИРИНГИЗНИ**

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Халқаро конкурслар лауреати, Алишер Навоий номили опера ва балет театрининг етакчи солисти МУЯС-САР РАЗЗОҚОВА билан суҳбат.



- Муяссархон, улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоий Ҳазратларининг 560 йиллигига бағишланган маҳсус дастурларингиз билан Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти, шаҳарларида бўлиб концертлар бераётганлигингиз шеърят мулкининг султониغا эҳтиромингиз назаримда...

- Нафақат чексиз эҳтиромим, балки бурч каби садоқатим билан ёндашдим бу дастур ҳозирликларига. Биласиз мен ўзим тору доира билан бориб концерт уюштира олмайман. Албатта менга опера студиясининг симфония оркестри, дирижер, солистлар ҳамкорлик қилишлари керак бўлади. Шу боис ҳам тайёргарлик ишлари анча вақт, сабр-тоқат талаб қилади кишидан... Бугун жаҳон классиклари асарлари ва ўзбек шоирлари шеърларидан жамланган ижодий дастурларимизни мухлисларимизга армуғон эта олаётганимдан бахтиёрман.

- Опера санъати анчагина мураккаб, унинг ижроси, тингловчи қалбига йўл топа олмоқ эса унданда қийинроқ. Опера санъатини тушунмоқ, қабул қила олмоқ учун ҳам муҳлисдан билим, савия талаб этилади менимча...

- Аслида ҳам шундай. Бундави олти аср муқаддам Италияда илк бора ижро этилган опера санъати бугун жаҳон классикаси ижрочилигига айланиб кетган. “Кўпчилик операни тушунмайди” - десалар асло ранжимайман. Бу бор гап. Лекин тушунишларига ёрдам бермоқ, бу ижрочиликни тарғиб қилмоқ керак. Ўзбек санъатининг жаҳон саҳнасида ўз ўрнини топишида операнинг имконияти, ўрни беқиёс.

- Сиз Джузеппе Вердининг “Реголетто” операсидан “Джилди” ариясини, Россининг “Севилья сартароши” операсидан “Розина” коватинасини, Гунонинг “Ромео ва Жульетто” операсидан “Жульетта” вальсини шунчалик бериб юрак-юрагингиздан асар қаҳрамонлари

*ҳис-туйғуларига қоришиб ижро этасизми, беихтиёр томошабин гулдурос қарсақлар билан қарши олади, ҳар бир чиқишингизни. Демокриманки, хорижий тилларда янграган бу асарларнинг ҳар бир сўзи маъноларини яхши тушуна оласизми? Томошабинчи?! Қандай қилиб ўзи маъносини англамасида ижроингиз мафтунига айланади залдагилар...*

- Ўзимку ижро этажак арияларим, дуэтларимнинг ҳар бир сатри, сўзи, маъно қирраларини, ўша қаҳрамонларим дарду дунёсини ўрганишга ҳаракат қиламан. Лекин томошабин-чи?! Менимча дилларга йўл топа олишимнинг сири жонли, юрак-юракдан берилиб ижро этишим бўлса керак. Мен ҳеч қачон фонограммадан фойдаланмайман. Баъзи “санъаткорман” деб овоз ёзиш студияларининг маҳорати, фонограмманинг жозибаси билан саҳналарни “гуллатиб” юрганларни кўрсам гашим келади. Жонли, санъаткорнинг соф овози керак томошабинга. Мен Италия, Франция, Германия, Туркия, Тожикистон, Россиянинг қатор шаҳарлари саҳналарида италянча, немисча, французча, русча ижроларим қаторида Мухтор Ашрафийнинг “Дилором” операсидаги “Дилором” ариясини, Тўхтасин Жалиловнинг “Тоҳир ва Зухро” операсидаги Зухро ариясини, Алишер Навоий, Фурқат ғазаллари билан айтилувчи мумтоз кўшиқларимизни доим севиб куйлаганим Жуманиёз Жабборов сўзи билан “Ифтихор”, “Ватан азиздур” ашулаларимни куйлаганимда хорижликлар ҳам давомли қарсақлар билан кутиб олишди. Ўзбек қизининг овозини опера ижрочилиги орқали англашди, ўзбекона куй-кўшиқларимизга ошино бўлишди, улар ҳам.

- *Ўзбекистонда опера санъатининг келажagini қандай тасаввур қиласиз?*

- Мен етти ёшимда мактабимизда ташкил этилган драма тўғарагига қатнашганман. Шу ёшимдан

менинг ўзига хос овозим борлигини Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани, кейинчалик вилоят санъат аҳли ҳис эта олиб давраларига чорлашган. Гарчанд авлодларимиз орасида санъаткорлар бўлмасида атрофимизда мени тушуниб, бағрига олган муҳит санъат олийгоҳига йўллаган. Саодат Қобулова, Роза Лнда Лаутдек устозлардан консерваторияда олган таҳсил ҳамон ҳаётини қўлланмам. Нима демоқчиман: Ўзбекистонда опера санъатини устозлар эъзозлаб бошлаб беришган. Биз баҳоли қудрат давом эттираяпмиз. Ортимиздан юзлаб шогирдларимиз келишяпти дея олмайман. Чунки ҳақиқий санъаткорлар, ёмғирдан кейинги кўзиқориндек бодраб чиқмайди ҳеч қачон. Опера ижрочилигини бугун мураккабликлари билан қабул қила олувчи шогирдларим орасида 12-13 ёшдаги қизларим ҳам бор. Ишонаманки, улар санъатимизнинг ноёб, бетакрор, беназирлигича улуғлай олишади.

- *Муяссархон, шунча масъулият боз устига томошабинларнинг муносабатини ҳис эта туриб саҳнага чиқиш олдидан қандай туйғу банд этади хаёлларингизни?*

- Овозимни ўйламайман. Яна албатта ҳаяжонланаман. Мени бир киши тинглаяптими, юз кишими, кимдир операни тушун олмай зални тарк этадими... барибир саҳна мен учун муқаддаслигича қолаверади. Мен бор овозим билан куйлайвераман.

- *Ҳаётингиздан мамнунмисиз?*

- Бахтли ўзбек аёлиман. Ана шундай жаннатмакон юртда туғилиб, умргузаронлик қилаётганимдан бахтиёрман. Оллоҳ бир бандасига шунчалар иноят берарда! Ўзбекни, ўзбек санъатини жаҳон саҳналарига олиб чиқаётганлар орасида борлигимдан ифтихор этаман. Турмуш ўртоғим Арслонбек Жаббаров санъатга алоқадор киши бўлмасаларда мени яхши

тушуниб, ўрни келганда қўллаб-қувватлайдилар. Ўғлим Жавлонбек улғаяпти.

- *Сўнги саволим. Йилимиз “Оналар ва болалар йили” деб аталишининг ўзи шарофатли. Шундай хосиятли кунларда худонинг каромати билан сеҳргарга дуч келиб қолсангиз оналар ва болаларга нима тилаган бўлардингиз?*

- ...Она-болани ҳеч қачон бир-биридан жудо қилмасин оллоҳим дер эдим. Майли зебу зар берма аёлга, онанинг юрагига хотиржамликдек неъмат, боланинг қалбига оқибатдек буюк туйғу ато эт деган бўлардим. Яна илтижо қилардимки, одамлар бир-бирини авайлашга ўргансинлар, шафқат назари билан қарасинлар бир-бирларига. Қўшиқларим билан ҳам дилларга диллардан кўприк ташлагим келади: **ОДАМЛАР, АВАЙЛАНГ БИР-БИРИНГИЗНИ!**

## ОНАЛАР ҲАҚҚИНИ АЙТИБ ЎТ ДУНЁ

Республикада хизмат кўрсатган актриса  
Зухро Ашурова билан суҳбат.

- *Зухрохон, аввало шахримизга хуш келибсиз.*

- Яхши кунларда келайлик. Насиб этган экан Ҳазрат Навоий номи билан аталувчи вилоятларингиз марказига буюк бобомиз тўйига ҳозирлик кетаётган қутлуғ паллада ташриф буюрдик. Жўшқин тараддуд мени ҳаяжонлантирди. Хаёлан сўлим боғда санъату шеърят кечалари, ижодий анжуманларни тасаввур этиб навоийликларга юракдан тасаннолар айтгим келди. Бир олам янги илҳом, қувват олдим.

- *Юртдошларимдан мамнунлигингиздан миннатдорман. Сизни интизор кутаётган мухлисларингизни қизиқтирган балки сахна орқали бериб ололмайдиган саволларига жавобларини сахна ортидан сўрамоқчи эдим.*

- *Марҳамат. Яхшиси гапни санъатга кириб келишим билан бошлай қолсак. Тошкентнинг Дўрмон қишлоғида туғилганман, отам раҳматлик ҳамқишлоқларимиз Жўра ҳожи бобо деб кўп эъзозлашарди. У киши санъатга ихлосмандлигимни унча хушламасдилар. Онам Ханифа ая ҳам отамдан ўтиб бир сўз демасдилар. Мен қаршиликларга қарамай 5-синфда ўқиб юрган кезларимданоқ мусиқа мактабига қатнай бошладим. Бутун дунёни унутиб рақс тушишни яхши кўрардим. Истеъдод берган юракка оллоҳ бир парча ўчмас ўт ҳам солиб қўярканми шундайин катта журъат билан санъат олийгоҳига кириб ўқий бошладим.*

- *Гина қудратлар аллақачон унутилиб кетгандир.*

- *Худога шукур бугун яқинларим мен билан жуда фахрланишади.*

- *Бутун борлиғини унутиб рақсга тушган қиз ўзидаги санъатнинг янги қиррасини қандай илғаб олди.*

- *Тўртинчи курсда ўқирдим. “Илҳом” студияси Ш.Бошбековнинг “Оқ отлар учун валс” спектаклини сахналаштирди. Мен Зумрад ролини ижро этдим. Ёмон чиқмади. Шу-шу қаҳрамонларимнинг дарду қувончларга тўла қиёфаларини сахнада яратиш иштиёқи ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолди.*

- *Зухроҳон, дейдиларки, инсон бир юмушни меъёрига етказиб адо этмоғи учун қандайдир кучдан мадад олиб тураркан. Ҳатто инсон туғилиб ўсган жой ҳам ҳеч ким ва ҳеч нарса ато эта олмайдиган қувват бераркан кишига. Таъбир жоиз бўлса бугун сиз сахнада ўзбек аёли сиймосини катта маҳорат билан тўлақонли ижро этаяпсизки, ҳар бир образингиз ҳаётини бошингиздан*

*кечиргандек табиий ярата оласиз.*

- Дилимдаги гап. Журналистлар билан учрашганимда доим шу саволни кутардим. Мени суяб турган мадад ҳам, ролларимнинг ишонарли жонли чиқишини таъминловчи куч ҳам сиёганим, сифинганим **ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ**. Бизнинг аёлларимиз ҳис қилган дард, ибо, хаё, орият, сабр қаноат фидо бўлмоқ туйғулари ҳеч бир миллатда бу қадар юксак эмас. Балки ўзбекнинг диёнати бутунлигини, насл-насаби софлигини асраб тургувчи куч ҳам ана шундадир. Мен ҳаводан олиб яратмаяпман ролларимни. Қаҳрамонларим орасида юриб, яшаб, юракларга йўл топиб яратганман.

- *Аёлни улуғладингиз. Шу ўринда ҳар бир аёлда қайси фазилатлар албатта бўлиши шарт деб ҳисоблайсиз.*

- Оқилалик. Фарзандлари қалби бутунлигига қурбон бўла олиш туйғуси.

- *Улардан қайси қусурни кечира олмайсиз.*

- Хиёнатни. Устозга, ота-онага, дўсту дугонага оқибатсизликни. Аёлни ер парчин қилувчи андишасизликни ҳеч-ҳеч қабул қила олмайман.

- *Зухраҳон. “Бобур” видеофильмидаги Хонзодабегим образини иниси учун ўзини душмани қўлига топширган эгачи тимсолида энг нозик ҳиссиётларга қадар очиб бера олгансизки “...Бобуржон... Ўзгалар билмасида... сиз билурсиз...” жумлаларини шивирлаганингизда она бўлиш бахтига мушарраф жон борки иниси томон юрагидан яна-яна яқинлашиш ҳисси билан тинглади.*

- Агар Хонзодабегимдаги минг фазилатдан бирини юракларга сола олган бўлсам бахтиёрман. Яхши биласиз “Оталар сўзи - ақлнинг кўзи” кўрсатувида бир қатор роллар икдро этаяпман. Баъзан шундай хатлар келадикки ҳайратга тушмай аёл зотига таъзимлар бажо этмай иложингиз йўқ. Ўз жигари учун тақдирри-

ни бутунлай ўзгартириб юборган опажон, сингил-жонларимиз бор...

- *Менимча инсон озми-кўпми ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилсагина юксакликка интилаверади.*

- Менга баъзан савол беришади-да. Энг яхши ролингизни ижро эта олдингизми деб. Ахир мени ёмон ижрони томошабин ҳукмига ҳавола этишга ҳаққим борми. Худойим менга истеъдод деган неъматини берган бўлса, улуғ устозларим, ҳамкасбларим, зукко томошабинларим даврасида бўлсам. Танграм шу бандамнинг кўнгли бутун бўлсин деб аёллик, оналик, бекалик бахтидан ҳам кам кўрмаган бўлса. Онажон диёримда санъат улуғланса мен қайси виждон билан хом ишимни элга “ҳадя этаман. Ҳар бир ролим мени томоша қилаётган қаро кўзларга маънавий озуқа бўла олиши, кимларнингдир дунёдаги қусурнинг илдизини зирқиратиб ўтиши шарт. “Меҳробдан чаён”даги Раъно, “Ҳаётдан тўлган тун”даги Баян роллари учун “Энг яхши аёл образи” мукофотини олдим. “Оталар сўзи - ақлнинг кўзи!даги ҳеч бир ролим мухлисларим эътиборидан четда қолаяпти дея олмайман.

- *Биз мириқиб муҳбатлашяпмизу ўқувчилар “Оилангиз...” деган ўткир ранглар билан ёзилувчи саволнинг жавобини кутишяпти-да...*

- Қайси даврада бўлмайлик албатта бу савол берилади. Турмуш ўртоғимни телемухлислар яхши билишса керак. “Ёшлар” телеканалида режиссёр бўлиб ишлайдилар. Қаҳрамон Ашуров. Икки нафар қизим бор. Мафтуна, Муслима. Агар фарзандларим санъаткорлик йўлини танлашса жон деб қувватлардик. Кичигимда хотира, қизиқиш кучли. Сиз севган актриса Мадина Мухторованинг келинойиси бўламан. гарчанд авлодларим орасида санъаткор бўлмасада Ҳамидулла Наримоновдек эъзозли санъаткорга неvara ке-

лин бўлганимдан фахрланаман.

- Сизни саҳна кетаяпти-ю, мухлисларингизга ҳур-матингизданми дил-дилингиздан таъсирланиб жуда жўшиб жавоб бераясиз. Балки...

- Йўқ давом эттирамиз. Грим қилиб ургурганман.

- Хурсандман. Сизнингча санъаткорни эл назарида олиб юрувчи фазилатлару давралардан четлаштириб қўйувчи қусурлар нималарда.

- Камтарлик, меҳнатсеварлик, самимият элга яқин қилади кишини. Мана сиз журналистсиз. Очиқ чеҳра билан қаҳрамонингизга юзланмасангиз у сизга юрагини очадими. Йўқ. Сизу бизнинг қаҳрамонимиз халқда! Манманлик хароб қилади санъаткорни. Оллоҳга ёқмаган хислатни бандаси ҳам барибир сийлайолмайди.

- Йилимиз президентимиз томонидан "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинди. Бу жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига сергаклик эътибор ҳиссини юклаши табиий. Яна-чи...

- Онажонлар масъулиятини ҳам оширди. Халқ, миллат, келажак олдидаги оналик бурчи ниҳоятда улуғвор эканини қайта-қайта уқтиради бу аталиш.

- Кўнглингизда бирор хижиллик яшайдими ёки кимлардандир қарздор ҳис қиласизми ўзингизни.

- Онаизорим дийдоримга тўя олмайдилар. Оила, сафарлар, иш, турмуш, тирикчилик ташвишларига-ку мен қоришиб бахтиёр яшайвераман, онажоним соғиниб-соғиниб интизор кутадилар мени. У киши 74 ёшни қаршиладилар. Қачон бормай дуоижонимни қилиб юрадилар. Бирор бир оғриниш, ўкиниш ҳам сездирмайдилар, ҳатто гап оҳанглирида ҳам. Агар қарздор бўлсам ана шу мунисгинам соғинчлари олдида қарздор, бурчдорман. Она зоти ўзи фидо бўлиб улғайтирган фарзандидан ҳеч ҳаққини сўрармикан ўзи. Шоиримиз жуда топиб ёзган. ОНАЛАР ҲАҚҚИНИ



- Бошловчининг чорлови билан у ўрнидан туриб самимий хайрлашади. Мендан севимли муштарийларга салом айтинг. Шу тилагимни етказишингизни илтимос қиламан: ҳамиша аёлларимиз гўзал ва саломат, болалари бағрида, беклари атрофида парвона бўлиб яшасинлар.

*...Мен эса ўзбек аёлини Мукаррамаси, Ҳалимаси, Соралари билан таниган жаҳон саҳнаси Зухроси билан янада дилбарроқ, яқинроқ кашф этишни юрак-юрагимдан истаган куйи ён дафтарчамни ёпиб қўяман.*

## АЁЛИ ҚАДРЛАНГАН ЭЛ БУЮҚДИР

“Оила ва жамият” газетасининг бош муҳаррири,  
адиба Дилбар САИДОВА билан суҳбат

- Дилбар опа, журналистика, журналистлик четдан қараганда жарангдор, ҳамиша элнинг нигоҳида эъзозда бўладиган ҳавасманд касбга ўхшайди. Аслидачи? Назаримда шеъриятдек буюк мўъжиза қисмат аталгани янглиғ журналистика ҳам илоҳий бир қудратга ўхшайди. Сизга ёзмоқ амри берилганми, ўзгалар дарди, дунё аламлари тириклик ғусса-қувончларини дил-дилнингиз билан сибириб қалб қонингиз билан қоғозга тушираверасиз. Борлигингизни тўкиб ўзингизда тўкилиб шоир Машраб Каъбага қиёс этган кўнгулларга фидолар этасиз биргина жонингизни... Шундай эмасми...

- Журналист, файласуф, юрист сўзлари сиз этироф этганингиздек болалигимда менга ўзгача қизиқиш уйғотарди. Ҳали журналистиканинг бутун мо-

ҳиятини англамай туриб бу соҳага дилимда ҳавас пайдо бўлган. Бу ҳавасларимни ҳақиқий меҳр-муҳаббатга айланиши эса Самарқанд вилояти (Ленин йўли) ҳозирги “Зарафшон” газетаси билан узвий боғлиқ. Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида сиртдан таҳсил олиш баробарида таҳририятда хизмат қилар эканман, ажойиб журналистлар Аҳмаджон Мухторов, Нусрат Раҳматов, Асад Дилмуродов, Сурат Ориповларнинг ҳар бир ўғит маслаҳатлари менга жуда катта ҳаётий қўлланма бўлди. Журналистика заҳматли меҳнат эканини англади, бу даргоҳ менга.

- Бугун сиз кўпчиликнинг сеvimли нашрига айланган “Оила ва жамият” газетасининг бош муҳарририсиз. Аччиқ бўлсада дард ўзимизники, алам ўзимизники, бугун газетага ҳам газетхонга ҳам осон эмас. Ана шундай бир даврда бу нашрнинг ўз ўрнини йўқотмаётгани ҳаётий мисол келтирмоқ бўлсак, қаҳрамонларингиздан бири ҳатто дунёси торайиб кетган тижоратчи аёлниг чоршанба “Оила ва жамият” чиқадиган кун эканлигини унутмай дўконга йўл олиши газета билан ғазабю аламини унутиши, бир сўз билан айтганда ўқиётгани катта қувонч. Бундайлар юздир, мингдир... Бундай ютуқларнинг боиси дейсизми, сирими...

- Дилларга қулоқ тутишимизда ҳар бир инсон дунёсига ҳурмат билан кириб бориб тушунишга ҳаракат қилишимизда. Газетхон сирлашяпти “Оила ва жамият” билан. Дардларига малҳам кўнгилларига таскин топяпти... Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил деганларидек ҳаётга уйғоқ нигоҳ билан қараш, шукроналик туйғусини ҳис қилаяптилар қайта ва қайта газета варақлагач.

- ...Шу ўринда газетада дил изҳорлари баёнига кенг ўрин бериляпти дея чўчимайсизми?

- Йўқ. Сўзда ҳикмат бор. Дейлик, биз кўнгиллар-

дан туқилган сатрлар ўрнига ёзувчиларнинг асарларини ҳам беришимиз мумкин эди. Лекин... “бошидан ўтган табиб” деганларидек азобини симирган армондан юраги яра кишининг сўзи таъсирлироқ бўлади. Халқ донишманд эканини исботлаяпти менимча газета. Гуноҳкор кишини юзига қора чаплаб жамиятдан четга иргитиб юбормоқ энг осони шу. Лекин унинг хатосини англашга юрак-юрагидан ҳис этиб товба тазарру қилиб покланмоққа ундаш эзгуликнинг бир кўринишидир.

- *Дилбар опа, бугунги журналист раҳбар қандай фазилатларни ўзида жо қилиши шарт деб ҳисоблайсиз?*

- Тадбиркор, ташкилотчи, иқтисодчи энг асосийси касбининг ҳақиқий фидойиси бўла олиши керак у. Мен газетачиликни, илк қадамларимданоқ жуда катта меҳнат деб қабул қилганман. Эсимда котибалик қилиб узун кунлар қўлёмаларни машинкада кўчирганимда хонамга ин қурган қушларнинг эркин парвозини ҳавас билан кузатардим. Ҳамоно олдимда турган ҳар бир юмушни амалга оширишга ана шундай масъулият билан ёндошаман. Баъзан ҳатто ҳорғинликка эрк, изн бермаслик керак бўлади.

Ҳар бир фикр, жумла устида ишлаш, айтар сўзингиз бус бутун газета учун жавоб бериш... Ижодкор халқининг дунёси бўлакча бўлади. Демакки ҳар бир ходимга, унинг қаламига, ўйу режаларига, битган ҳар бир сатрига жуда катта ҳурмат билан қараш... иқтисодий муаммолар билан ҳамнафаслик... Ҳа ҳеч қайси даврда осон бўлмаган журналист зотиға.

- *“Лолақизғалдоқ”, “Олам гўзал”, “Аёл ҳақида икки қисса”, “Кунларнинг бирида” каби китобларингизга кирган қиссаларингизнинг ҳар бир қаҳрамони руҳий олами, кечинмалари ҳаётий қарашларини жуда катта маҳорат билан тасвирлагансиз. Беихтиёр ёзувчи қаҳрамон дунёсини кашф эта олиши учун донишманд, пси-*

*холог ва жамики касбу кор-хунарлар уларнинг соҳиблари бўла олиши, асар қаҳрамонлари билан яшай олиши шартлигига имон келтиргинг келади. Сир бўлмаса Сиз қаҳрамонларингизни қаердан оласиз ёки қандай танлайсиз...*

- Қаҳрамонларимни ўзимдан оламан. Ўзим бўлиб яшайди улар. Шу боис бўлса керак мени билганлар “Дилбар ўзини ёзибди...” дейишади. Бошқача ёзолмайман ҳам.

- *Сухбатимизнинг анъанавий саволлари борки, уларни четлаб ўтолмайман. Ошлангиз ҳақида...*

- Ширингина рўзгорим, ўғилларим бор. Олим, Одил, Озод. Тўнғичим йигирмага кираяпти.

- *Сиз аёл, унинг тақдири ҳақида кўп ёзасиз. Даврларда бўласиз. Уларнинг шодлигу қувончлари билан ҳамиша ошиносиз. Ана шу улуг зотга биринчи галда не тилак билдирган бўлардингиз?*

- Аёл ўз оиласида қадр топсин. Эркак ўз ҳурмати-ни нечоғли баланд тутса рафиқасини ҳам ана шундайин эъзозласин. Ака-укалари йўқласин, қадрига етсин бу муштипар жонни. Агар ана шундай қараш бўлса эди барча оға иниларимизда аёл ёши ҳеч нени қораламай қариб-қовжираб кетмасди. Бир гал телевизорда қайсидир қишлоқдаги мактаблардан бирида ўқиган собиқ синфдошларни кўрсатишди. Юрагим зирқираб кетди. Эркакларни олдида аёл тенгдошлар анчайин қартайиб кетишган... Ахир фақат шеър кўшиқларда алқаш учун яралмаган-ку, Аёл. У том маънодаги шарафлашга, қадрлашга лойиқ зот. Аёли қадрланган эл буюқдир.

- *Сухбатингиз учун раҳмат.*

2001 йил.

## ОТА ҲАМИЯТЛИ, ОНА ҚАНОАТЛИ БЎЛСА...

Шоира, “Тонг юлдузи” газетасининг бош муҳаррири Умида Абдуазимова билан суҳбат.

*- Умида опа, болалик - дунёнинг беғуборлигини кўтариб юрувчи мўъжиза, назаримда небахтки Сиз касбингиз тақозаси билан ҳар лаҳза ана шу олам билан юзлашасиз. Қанотли орзулар, разолат, ҳусумат не эканини билмаган покиза дил туйғулари билан сирлашасиз...*

- Ва умримнинг олис қайтмас ширин онларига хаёлан бориб келаман ҳар куни. Бу хаёлий сайрлар қалбимни губорлардан тозалайди. Руҳий қувват олавераман...

Болалигим Юнусобод туманидаги Бободехқон маҳалласида ўтган. Маҳалламизнинг ярми қишлоқ, ярми шаҳар типиди эди. Кўни-кўшниларимиз бир-бирини яхши билишар ва яхши кўришарди. Ҳаттоки маҳалламизда яшовчи Валя опа ва Миша акалар ҳам ўзбекчиликнинг ўринлатиб кўйишарди-ки биз болалар рус тилини ўзимизча ўзбекчалаштириб бу хонадон соҳибларига гўрлигимизни ҳам, гуллигимизни ҳам “ўтказардик”. Улар эса жилмайибгина меҳр билан бизни эркалашарди. Оилада 6 қиз ва 2 ўғил улғайдик. Адам Мурод ака уруш захматларини чеккан. Шунданми осойишта кунларимизни ниҳоятда қадрлар, уйга кўшиқ айтиб кириб келардилар. Ойим Маҳбуба аяни Турғуной дейишарди. Эсимда, 3-синфда ўқирдим чоғи. Ҳозир редакциямиз жойлашган бинода “Ёш адабиётчилар” тўгараги фаолият юритарди. Адам мени шу тўгаракка олиб келар ва машғулотларимиз тугагунча ҳар гал кутиб ўтирардилар. Шеърый машқла-

римни ҳаяжон ва қувонч билан қарши олувчи биринчи тингловчилари ҳам ойижоним билан адам эдилар...

- *Бугун эса шеърятингизнинг мухлислари кўп. "Севилганда", "Севинчим", "Ишқим умри", "Умрим зийнати", "Ойдин орзулар", "Сени кўргим келаверади", "Оймомо боғ" каби назмий китобларингиз ўз ўрнини тополган. Дунёга журналист, шоир қалби билан боқиб...*

- *Ўзгаларнинг дарду аламлари ўй-хаёлларимга инқуриб олган кезлар кўп бўлади. Биласиз шеърдаги ўша ҳарорат юракни тилимлаб битганларингиз фақат ёзувчининг қувончи, бахти ёки армони эмас. Шу жамият даврининг фарзанди шукрона меҳр-муҳаббат ҳамият ғурур Ватан деган улуғ кўрғонга самимий садоқат фидойилик туйғулари сингиб кетишини истайман, юртдошларим қалбининг қат-қатларига... Бу улуғлик эмас ҳали булар шу юртда яшамоқнинг оддий фарзу қарзлари...*

- *Сиз ижодкор айни пайтда раҳбарсиз. Шоирликку қисмат деймиз, раҳбар бўлиш учун ҳам туғма қобилият керакмикан, нима дейсиз...*

- *Ўқувчилик давримизда синфбоши, айни пайтда дружина Советлари бўларди, шу советларнинг раиси эди. Гоҳи тадбирларни ташкил этиб кўпчиликни бошқариб сўзимни ўтказишимга тўғри келарди. Удаллардим. баъзан маълум сабаблар билан ўқитувчи дарсга кирмай қолса, 45 сонини чўпчак айтиб ўтказардим. Синфдошларим жон қулоғи билан тинглаб, қулоқ тутишарди менга. Ҳатто Обид деган синфдошим "Сен албатта катта бўлсак директор бўласан, мени ўзингга шофёр қилиб оласан-да" деб ҳазиллашарди. Зойир ака Юсупов деган мусиқа ўқитувчимиз бўларди. У киши битта рубоб билан кириб бутун синфни жонлантириб юборардилар...*

“Тонг юлдузи”га муҳаррир бўлмагунимча Ўзбекистон телевидениясида, “Ёшлик” журнали, “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Туркистон”), “Маърифат” газеталарида ишладим. Назаримда у даврларда бош муҳаррир билан ходимлар ўртасида қандайдир тўсиқ бордек эди. Болаларимиз боғчада, соат милларини санаб ўтирардик биз аёллар. Ҳозир биздаги муҳит бошқача. Барчамиз уддабуронроқ, айти пайтда эркин ва ижодкорона ёндошамиз ишимизга. Ходимларимиз билан маза қилиб “урушамиз”, “тортишамиз” ва маза қилиб ишлаймиз ҳам. Биздагиларнинг ҳаммаси компьютерда бемалол ишлай олишади, ўз саҳифаларини ўзлари безатишади. Ҳеч қачон ижодкор кабинет, стол одами бўлиб қолмаслиги керак.

...Бугун раҳбар дипломатик салоҳиятга ҳам эга бўлмас экан ишнинг олдинга силжиши қийин.

- *“Тонг юлдузи” қўлига қалам олган ёшнинг илк остонаси назаримда, жоиз бўлса бу газета истеъдодларни кашф этувчи ва ижод оламига бошлагувчи кўприк - йўл... Бу борадаги фаолиятдан бош муҳаррир сифатида кўнглингиз тўладими...*

- Газетамиз 58 минг нусхада чоп этилади. Ҳар бир сонимизнинг ўқимишли, қизиқарли бўлиши учун имкон қадар ҳаракат қиляпмиз ва маълум маънода бунга эришяпмиз деб ўйлайман. Республикамининг энг чекка қишлоқларида яшаётган болажонлари билан ҳам газета орқали мулоқот ўрнатиш, чет эллик ўқувчилар ҳаётдан лавҳалар бериш, турли мавзу, жанрлар усулларида фойдаланиш иш услубларимизга айланган. Жойларда “Тонг юлдузи” кунлари ўтказаяпмиз. Айти кунда элнинг ардоқли шоир ва ёзувчиларига айланган кўпгина ижодкорларга “Тонг юлдузи” бугун сиз айтгандек қутлуғ остонага айланиб қолган деб ўйлайман. Ўтган йили Зулфия номидаги мукофотни олишга мушарраф бўлган Гулжамол Ас-

қаровани “Тонг юлдузи” кашф этганига ҳали кўп бўлгани йўқ...

- Умида опа. Сизни дилбар шеърларингиз Ўзбекистон телевидениеси орқали чиқишларингиз, қолаверса “Тонг юлдузи” орқали газетхонларимиз яхши билишади. Албатта янада яқинроқ танишишни исташади.

- Раҳмат. Ўзбекнинг бир умидли Умида қизиман. Турмуш ўртоғим Абдуваҳҳоб Абдуғаффоровнинг касблари ўқитувчи. Яхши одатлари шеърларимнинг мазмунини таҳлил қилиб сўроққа тутиб ўтирмайдилар. Аммамга келин бўлганман. Яқинда ўзим ҳам келин тушириш ниятидаман. Ўғлим Абдуҳамид шарқшунос, Абдувоҳид - муҳандис. Худога шукур мени улар тушуниб қадрлашади. Шунини ўзи бахт бўлса керак.

- Бу йил “Оналар ва болалар” йили. Шу маънода дилингиздаги қай ниятлар мустажоб бўлишини истайсиз...

- Оила кемтик бўлмасин. Оталаримиз қатъиятли, ҳамиятли, бир сўзли, уйим-жойим дейдиган бўлсалар. Оналаримиз қаноатли, оқила, келганини тежаб тергаб, ўғил-қизларини меҳр-мурувватлари оғушида улғайтирсалар. Фарзандларимиз оқибатли ва қобил бўлсинлар, бундан зиёдаси бўлмас. Барчамизга ана шу тўқислик ёр бўлсин.

2001 йил.



- Анваржон, сизнинг узоқ яқиндан, тирикликнинг кўз илғамас ва кечиб бўлмас ташвишларини четга суриб “Сугдиёна” томон ошиққан мухлисларингиз истиқболига “...азиз ватандошларим, қариндош-қондошларим..ю.” дея бошланувчи қўшиғингиз билан чиқиб келишиңгиз даврага ўзгача кўтаринки руҳ улашди. Таъбир жоиз бўлса томошабинлар “ўз Анвари”ни нафақат олқиш, балки соғинч биланда тўлқинланиб қарши олишди. Балки бу ҳолатни сиз бунданда тотлироқ, беғубор болаликни қўмсаш, гўзал хотиралар оғушида ҳис этгандирсиз...

- Болалигим Навоийдан бор-йўғи ўн километрлар чамаси олислиқдаги Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги Охунбобоев номли хўжаликнинг сўлим қишлоқларида ўтган. Эсимда байрам кунлари шаҳарга ошиқардик. Боғимиздаги пишган зардоли, кўксултонлардан челақлаб Навоийга келтириб сотардик-да, пулига қабобхўрлик қилиб кетардик. “Навоий-Зиёвуддин” йўналиши бўйлаб қатнайдиған автобуслар менга жуда қадрдон. Қани ўша тўпори ўсмирлигим... балки бугун концертга йигирма мингдан ортиқ томошабинларнинг йиғилиши-ю, менинг куйлаб толмаганимнинг қайсидир ифодалаб бўлмас жиҳатлари айнан “ўзлариники” эканим билан ҳам боғлиқдир...

- Эл орасида машҳур бўлиб кетган кўпгина қўшиқларингизнинг сўзлари муаллифи отангиз шоир Исмат Санаев. Ўзингиз эътироф этганингиздек кўпчилик куй-қўшиқ шойдолари севиб тинглаб, хиргойи қилиб юрадиган ашулаларингиздан бири “Севгилим”ни ҳам илтимосингиз билан дадангиз ёзиб берган эканлар. Бу не бахтким падари бузрукворингизнинг сизни шоир сифатида жуда яхши тушуниб дилингиздан кечган туйғуларни қоғозга кўчириб беришдек нозик ишни удалай олганларидан деб қабул қилиш мумкин. У киши ота ўрни-

да бугунги поғонага кўтарилишингизни қандай қувватлаганлар.

- Отам мени санъатга “мажбурлаб” олиб кирган десам ҳайрон бўлсангиз керак. У киши ниҳоятда санъатга ихлосманд киши. Ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак отам мени болалигимда ҳар куни соатлаб бирор бир мусиқа асбоби билан шуғулланишимни, кўшиқ айтишимни қатъий талаб қилардилар. ҳатто баъзи кунлари кўзимда ёш, хаёлим кўчадаги тенгқурларимнинг қий-чувида шунчаки доира чертиб вақт ўтказардим. Аста-секин бу “мажбурдик” ҳавасга, ҳавас ҳақиқий иштиёққа айландики, ўзи ҳам санъаткор бўлишни орзу қилиб, бобомнинг раъйига қарши йўл тутолмаган отам менинг ўқиш, изланишларим учун жамики имкониятларни яратиб бердилар. Чунки, отам санъат остонаси ниҳоятда муқаддас эканини, бу бўстонга бўйлаган кишига шунчаки қизиқиш камлик қилишини жуда яхши ҳис қилардилар. Мен эса бобом мулла Сана Йўлдошев истаганидек агроном ёки шифокор эмас, Қаҳрамон Дадаев, Дилмурод исломовлардек доирачи бўлишга қатъий бел боғлаб орзуларим ортидан йўлга чиққанман... Ўқиш, изланишлар, тинимсиз меҳнат устозлар эътибори инсондаги иқтидорнинг тўла-тўқис очилиб боришига замин яратаркан чамамда. Аввал Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини, кейин Абдулла Қодирий номидаги маданият олийгоҳини тамомладим. Отам бир неча китоблар муаллифи, юртдошларининг обрў-эътиборини қозонган инсон Исмат санаев билан ҳамиша фахрланаман...

- *Репертуарингизнинг асосий қисмини воқебанд мисралардан иборат маҳзун оҳанглар куйланган кўшиқлар ташкил этади ва бу ижроларни айниқса ёшлар ҳамоҳанг бўлиб тинглаб, куйлашади...*

- Аввало муҳаббат ҳеч қачон эскирмайдиган гўзал

мавзу. Ёшлик умрнинг эришиш ва йўқотишларга бой фасли бўлса керак. кўшиқларимда ифодаланаётган сиз айтганингиздай воқеий ҳолатларни кўпчилик ўсмирлик ёшида бошидан кечирган ва кечираётган бўлиши мумкин. Севгининг дарди ҳам, азоби ҳам, туйғулари ҳам ширин назаримда...

- Сиз ҳам кўпгина клиплар устида иш олиб бориб мухлисларингизга тақдим этдингиз.. Вақт, меҳнат, харажатлар билан ишланаётган клипларнинг ижро ва томошабинга хизмати нимада деб ҳисоблайсиз?

- Клипларнинг кўшиқчилигимизга кириб келиши замона талабларининг маҳсули деб ҳисоблайман. Клипп кўшиқни ижро жараёнида ифодалаш қийин бўлган ҳолатлар, ҳис туйғулар, айрим мазмуни англашилмай қолган сўзлар маънисини томошабинга тўлиғича етказиб беришга хизмат қилиши керак. Ижронинг таъсир кучини оширишда клипларнинг ўрни катта ва бу имкониятдан тўғри, ўз ўрнида фойдаланмоқ керак...

- Сизнинг *Ўзбекистон телевидениесининг “Ёшлар” телеканали билан ҳамкорликда ишлаб республикамизнинг бир қатор шаҳарларида ШОУ дастурлари ўтказётганингиз, айниқса бу концертларнинг маданий-маърифий тадбиркорларга уланиб кетаётганлигининг аҳамияти катта албатта... Хорижий сафарлар сизда қандай таассурот қолдирапти. Бугунги ўзбек эстрада сига чет элларда муносабат қандай...*

- Греция, Покистон, Туркия давлатларида бўлиб хорижлик санъат шайдолари билан усрашдик, кўшиқлар куйладик. Улар гарчи тили, маданияти, турмуш тарзи ўзгача бўлсада бизни жуда яхши қарши олишди. Яқиндагина мисрлик мухлисларга концерт дастуримизни армуғон этиб қайтдик. Чиқишларимни “Боғда учратдим сени...” кўшиғи билан бошладим. Томошабинлар кўшилиб куйлашди, рақс тушишди... Санъ-

аткорга менимча бундан ортиқ илтифот бўлмайди....

- Сиз жуда кўп ёш қўшиқчилар, гуруҳларнинг концертига меҳмон сифатида таклиф этиласиз. Ва икки-учта чиқишингиз билан давраларга ўзгача шукуҳ улашасиз... Бу одатий ижодий ҳамкорликми ёки ҳурматга эътиборми?

- Элнинг олдидан ўтиш жуда қийин. Мен бу ҳолатни жуда кўп бор юрак-юрагимдан ҳис этганман. Айниқса эндигина ўз концертларини тайёрлаб саҳнага чиқаётганлар учун... Шу ўринда мен марҳум устоз санъаткоримиз Мухриддин Холиқов (илоҳи жойлари жаннатда бўлсин)ни катта қарздорлик туйғуси билан ҳамиша ёд этишимни айтиб ўтмоқчиман. У киши менинг биринчи концертимга меҳмон бўлиб келиб, чиройли қўшиқлари билан дастурни бошлаб берганлар. Устознинг бу ташрифи қанот бўлиб ўзимни анча босиб олгандим ўшанда. Яқинда “Маржон” гуруҳининг дастурида иштирок этиб куйлаганимда гуруҳ аъзоларининг дилидаги бу ҳисни англаб рост тўлқинланиб кетдим. Биз ҳамиша бир-биримизни қўллаб, илҳомлантириб туришимиз керак.

- Демак, устозлар йўли фақат соҳа комиллигида эмас, инсондан инсонга ўтажак эзгу фазилатларга ҳам ибрат бўлмоғи керак эканда.

- Албатта.

- Анваржон, гап устозлар ҳақида борар экан “амакингиз Умар Санаевнинг номини тилга олиб ўтишни истардим. У киши ҳам бетакрор овоз соҳиби сифатида санъат ихлосмандларига жуда яхши таниш. Айниқса Умар Санаевнинг 80-йилларда айтган “Жон йигитлар омон қайтинг Афғонистондан...” деб бошланувчи ашуласи кўпчиликнинг дилидан жой ололган...

- Амаким ҳам айти кунда Тошкентда истиқомат қилиб, Тошкент маданият коллежида ёшларга бермоқда. Айти пайтда янги-янги қўшиқлар устида ишла-

япти. Менинг энг яқин маслаҳатгўйим, доимий мас-лакдошим, биринчи тингловчим ва биринчи танқидчим ҳам шу киши. Менинг бугунги муваффақиятларимда амакимнинг хизматлари беқиёс.

- *Ижодкор халқининг қалби ҳамиша безовта, балким шу безовталик уни улғайтириб, улуғлаб боради назаримда. Бугун сизнинг кўнглингизга қандай кўшиқлар яратиш иштиёқи тинчлик бермайди...*

- Мунис онажонимга бағишланган кўшиқ устида ишляяпман. Онаизорим раҳматлик Ҳабиба Санаева ниҳоятда камтарин, камсухан, гўзал фазилатлар соҳиби эдилар. Онажонимдан айрилиқ изтироблари ҳамиша юрагимни зардобларга тўлдираверади. Балки шу кўшигимни маромига етказиб куйлай олсам дил озгина таскин топар... Сўзларининг муаллифи сухандон, хатирчилик ажойиб қалам соҳиби Ваҳобиддин Зиё. “Бугун маним бахтли кунда дўстларим ҳам ёнимда. Бугун маним бахтли кунда ўз ёрим ҳам бағримда. Яна сизни эсга олдим. Менинг шўрлик онамай, онамай, онамай, Меҳрибон, мунис онажоним...” дея бошланувчи кўшиқни куйлаганимда онадайин улуғ зотни йўқотмайин қадрига етмоқ, дийдорига туймоқ, фарзанд бўлиб меҳрига, йўлларига онаизорини зору маҳтал этмасликдайин нозик туйғуларни улашгим келади барча-барча онагинаси бошларида омон бахтиёрларнинг юракларига. Ўзим ҳам дил-дилимдан тўлиб, тўкилиб куйлайман бу кўшиқни ҳар гал. Яна ота ҳақида мухлисларга манзур бўлгулик кўшиқ яратиш ниятим бор.

- *Оилангиз билан ҳам мухлисларни яқинроқ таништирамангиз.*

- Турумш ўртоғим Олмаҳон - тарбиячи. Шириндан-шакар уч нафар фарзандим бор. Қизим Асалхон ўқувчи, Ўғилларим Муқаммаджон, Содиқхонлар ҳали боғчага қатнашади.

- *Сизни яна ва яна саҳналар чорлайди. Куйламоқ-*

*нинг эса юки оғирдан оғир. Шу давраларга мағрур кириб бормоқ учун...*

- Тинимсиз меҳнат, изланиш доимий ҳамроҳи бўлмоғи керак санъат аҳлининг. Нозик таъб чиқишларимни олқишлар билан кутиб олаётган мухлисларимдан янги-янги қўшиқлар қарздорман. Бу кадрдонлик ҳисси эса илҳом беради менга. Укам Санжар Санаев билан ҳамкорликда яхши қўшиқларни кадрловчи, эъзозловчи халқимизга завқ-шавқ ҳаётга ташналик, вақтихушлик улашиш мақсадида бир қатор режалар тузиб қўйганмиз. Истардимки, юртимизда тинчлик, тўқисчилик, хушкунлар кўпбўлсин биз эса элимизнинг хизматларида бўлайлик.

- *Сухбатингиз учун раҳмат.*

2002 йил  
Навоий

## **ЖУРНАЛИСТИКА - ҲАЁТИМ МЕНИНГ**

Радиожурналист Малика Тўхтаева билан суҳбат.

- *Малика опа, сиз қарийб ўттиз йилдан буён радиожурналистикада фаолият кўрсатиб келаяпсиз. Ўтган қатор йиллар сизни юзлаб одамлар билан юзлаштирди. У сизни чўлларга, пахтазорлар, ғаллазорлар, саннат корхоналарига, хонадонларга... етаклаб борди. Суҳбатлар, учрашувлар, баҳс-мунозаралар сизга сабоқ мактаби бўлгани шаксиз. Инсон қалбини ўрганиш учун бу сабоқнинг хизмати катта. Сўрамоқчи бўлганим, бугун биз маънавий йўқотишларимиз дея дилдан куйинаёт-*

*ганимиз меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатларнинг камайиб бораётганлигига нималар сабаб бўлаяпти экан-а?*

- Инсон оқибатли бўлиши учун ахлоқ томирлари мустаҳкам бўлмоғи шарт, назаримда. Кишининг яхши ва ёмон хислатларни ўзида шакллантирувчи нарса бу унинг ахлоқ томирлари. Менинг университетда ўқиб юрган чоғларим Ўзбекистон Фанлар академиясида ишлаганим жуда катта ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилган. Севимли адибларимиз Пиримқул Қодиров ва Иззат Султон ёзган асарларини машинкалаш жараёнида ўқиб ўрганардик. У ерда биз билан Шоназар Шоабдирахмонов деган олим ҳам бирга ишлардилар. Қарангки, қорли-қировли кунларда у киши ҳаммадан вақтли келиб йўлақларнинг қорини қураб қўядилар. У кишининг характерларида хушомадгўйлик деган иллатнинг асари ҳам йўқ эди. Кейинчалик англаб етдикки, у киши устозлари қарилик анча енгиб қўйган Ҳоди Зариф, Фаттоҳ Абдуллаев, Машҳура Султоноваларнинг тасодифан муз йўлақларда тойиб кетмаслиги учун шу иш эринмай, сидқидилдан бажарар эканлар. Ёз келиб пишиқчилик кунлари бошлангач дала даштда чиқолмайдиган ходимлар суриштирилиб мева теришга жўнатиларди. Бизга уқтирилдики: “фалончи опаларинг, кейинги чоғда тез-тез бетоб бўлаяпти. Улар ҳашарда сизларга кўз бўлишади. Сизлар эса хизматидан оғринманглар...” деб. Мент ана шу зукко кишилар даврасида маданиятнинг жуда нозик қирраларини кўрдим. Бу сабоқ менга бировга оқибат кўрсатсанг, бировнинг дилини эъзоласанг сенга ҳам шу қайтади, баробарида ўзинг сезиб-сезмай ўзгаларга ҳам шу фазилатларни ўргатсан дея хулоса чиқаришга асос бўлди.

*- Биз инсон зотидаги жуда кўп қусурларни ошадан излашга одатланиб қолганмиз. Лекин сизнинг бу гап-*

*ларингиздан сўнг устознинг шахс камолатидаги роли беқиёслигига яна бир бора ишонгим келади.*

- “Куш уясида кўрганини қилади” дейдилар. Йўқ куш ҳам учиб боғ-роғларга қўнади. Табиатнингда муҳитига кўника боради. Халқимиз орасида яна бир гап юради. “Устозингнинг имони басоламот, идрокли, ҳалол бўлсин”. Инсон жамиятнинг бир аъзоси сифатида эл-юртига хизмат қилишида устознинг ҳар бир ҳаракати, тутган йўли, фазилатлари, бағрикенглиги ўзига хос аҳамиятга эгаки, буни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

- *Ҳалоллик ҳақида гап очилса баъзиларнинг гаши келади...*

- Ҳақ гап. Ҳақиқатан кўз юммоқ ожизлик. Менинг отам 85 га кирган. У киши ҳатто ҳовлимизга учиб кирадиган қушлар учун ҳам бозордан дон сотиб олиб келадилар. Нега? Чунки, кўпни кўрган падари бузрукворларимизнинг ўз ҳаётий хулосалари бор. У кишининг ўғитларини тинглаб беихтиёр хаёлга толасан киши. Афсуски, шундай шахслар борки, бировнинг ҳисобидан тушлигини ўтказса хурсанд. Айримлар ҳеч тап тортмай бировнинг луқмасига кўз олайтириб, ҳатто ўзгалар улушидан фарзандларининг корига яратади. Англамайдиларки, улар ютказишяпти. Инсонки, ҳалол меҳнати билан кимнидир қарздор қилиб қўйса ўшандагина рўшнолик кўради. Ҳалоллик кўр-кўрона нарсалардан ўз-ўзини тийиш дегани. Бу туйғуни унутган киши хиёнатга ҳам қўл уради. Инсон хислатларидаги бу қусурлар улкан бўшлиқларга улансада жуда майда қадамлар билан бошланади. Дадам доим бизга бир нарсани уқтирардилар: “Болам, қўлингни ювгач, силтаб ташлама, ҳаромнинг боши ўшанда”. Қўл силтамоқ жуда кўп нарсага қўл силтаб ташламоқдек иллат назаримда...

- *Агар рухсат берсангиз суҳбатимиз мавзусини оз-*



ди. Дадам доим бизга бир нарсани уқтирардилар: “Болам, кўлингни ювгач, силтаб ташлама, ҳаромнинг боши ўшанда”. Кўл силтамоқ жуда кўп нарсага қўл силтаб ташламоқдек иллат назаримда...

- *Агар рухсат берсангиз суҳбатимиз мавзусини озгина ўзгартириб, журналистика, аёл кишининг бу даргоҳдаги ўрни ҳақида фикр юритсак...*

- Мен тарихчи-журналистман. Тарихий асарларни жуда яхши кўраман. Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбаримиздан “Сиз оламдан ўтсангиз ибратомуз нақллари хадисларни одамларга ким уқтириб боради” деб сўраганларида “Мен ўтиб кетсам, олимлар қолади...”, деб жавоб берган эканлар. Журналистлар ҳам олимлар. Улар ўзлари қаламга олажак барча соҳанинг олимларидир.

Аёлнинг қалби касби шаъни ҳам жуда нозик. Бу зот журналистлик касбини ихтиёр этдими, ҳамиша бир елкасида маломат туради - нега? Чунки, шаъни ўша гулдек нозик аёл турли жойларда, турли характердаги кишилар билан учрашади. Касбининг тақозоси билан турли муаммолар ечимига аралашади. Ўша биз айтганимиз маломат чангларини ўзига юқтирмаслиги учун у ниҳоятда оқилалик билан иш тутиши, катта бир масъулиятни ҳис этиб турмоғи лозим. Шу масъуллик унга орқасидан гап эргаштириб юришга йўл бермасин.

- *Тан олиш керакки, радиожурналист бўлишнинг ўзига хос машаққатлари бор. Қаҳрамонларни “сўзлатиш” ҳар доим ҳам осон кўчавермайди. Баъзилар микрофондан “чўчишади” ҳам. Ҳозир-ку жуда ихчам, қулай диктафонлардан фойдаланилаёпти. Қатор йиллар 7 килограммлик репортёрларни кўтариб юрдингиз... Хуллас, нега радиодан ҳеч кеча олмайсиз?!*

- Баъзан “тинчгина” жойларга ишга таклиф қилишса ёки толиқиб кетсам шу ўйлар менинг ҳам

хаёлимдан ўтади. Лекин барибир кечиб кета олмас-  
лигимга дилдан иқрор бўламан. Мени доимо боғлаб  
турувчи яна бир куч борки, бу мен учун катта эҳти-  
ром. Бу муҳтарам радио тингловчилар, Навоий теле-  
видениеси орқали тайёрланган кўрсатувларимизни  
томоша қилиб боргувчи томошабинлар эътибори,  
баҳоси...

*- Халқимизга матбуотга маънавиятга эътибордек  
комиллик, журналистлар аҳлига эса ана шу эътиборга  
мушарраф бўлишдек бахт ҳамиша насиб этсин.*

**1997 йил.**

## ***Ҳикоялар***

1. Биллур қандил
2. Оқ рўмолча
3. Ёдгорбек
4. Армон
5. Ўғирланган болалик
6. Доғ
7. Кўзмончоғинг бўлайин...
8. Эрта улғайган қизча

## ***Бадиий публицистикалар***

9. Ахир Ватан битта бутун дунёда
10. Давлатим йўқ сиздан зиёда
11. Соқчи қилгин юрагингни шу оппоқ тонглар учун...
12. ...Янги аср келаётир
12. Сенда ишончларнинг ҳаққи бор ёшлик
14. Хайрлашув
15. ...Соянда соялаб яшайин

## ***Суҳбатлар***

16. Ҳайратнинг калити шукроналикдир
17. Одамлар авайланг бир-бирингизни
18. Оналар ҳаққини айтиб ўт дунё
19. Аёли қадрланган эл буюқдир
20. Ота ҳамиятли, она қаноатли бўлса
21. Боғда учратдим Сени...
22. Журналистика - менинг ҳаётим

АДАБИЙ БАДИИЙ НАШР

Ойбуви Очилова

Синоатмисан, дунё

(ҳикоя, бадиий публицистика, суҳбатлар)

Ўзбек тилида

Муҳаррир *Дилшод Ражаб*

Мусаввир *Абдухалил Каримов*

Техник муҳаррир *Малика Алиева*

Мусаҳҳиҳ *Заҳро Мўминова*

ИБ № 391

Босишга 2002 йил 5 июнда рухсат этилди. Бичими 84X108  
1/32. Шартли босма табоғи 7,0. Нашр босма табоғи 7,0. Адади  
2000 нусха. Баҳоси шартнома асосида. 64-сон буюртма.

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.  
Тошкент-129, Навоий кўчаси, 30 уй.

"OFSET-PRINT" босмахонаси.  
Тошкент, Қирққиз кўчаси, 10-уй.